Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 23 декабрь, № 274 (8617) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

МАЪНАВИЙ ҲАЁТИМИЗДА ЯНГИ ИСЛОҲОТЛАР ДАВРИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 22 декабрь куни Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда маънавият ва маданият фаоллари, адабиёт ва санъат намояндалари, шунингдек, Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси вакиллари, вазирлар ва ҳокимлар иштирок этди.

Маълумки, республикамизда ушбу Кенгаш раиси Президент, ҳудудларда эса биринчи раҳбарлар ҳисобланади. Чунки илм-фан, таълим ва тарбия, маънавият устувор масаладир.

Давлатимиз раҳбари бунинг учун аввало, мустаҳкам иқтисодий асослар кераклигини таъкидлаб, шу борада амалга оширилаётган ишларни қайд этиб ўтди. Ушбу иқтисодий асос натижасида бу йил ижтимоий соҳага энг кўп — 134 триллион сўм маблағ ажратилди. Бу — 2016 йилдагига солиштирганда 5,6 баробар зиёд демакдир.

Бугун жаҳон миқёсида тараққиёт суръатлари шиддатли тус олгани, ўта зиддиятли жараёнларнинг таъсири мамлакатимизда ҳам сезилаётгани қайд этилди.

— Тарихдан маълум: Ватан ва халқ тақдирига нисбатан таҳдидлар кучайган вазиятда айнан миллат фидойилари — уйғоқ қалбли зиёлилар, шоир ва адиблар, санъат намояндалари, маънавият ва маърифат соҳаси ходимлари жасорат билан майдонга чиққанлар. Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги, юксак босқичига кираётган ҳозирги пайтда бизга жадид боболаримиз каби Ғарб илм-фан ютуқлари билан бирга, миллий қадриятлар руҳида тарбия топган етук кадрлар сув билан ҳаводек зарур, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

МАЪНАВИЯТ ҲАЁТИМИЗДА ЯНГИ КУЧ, ЯНГИ ҲАРАКАТГА АЙЛАНИШИ КЕРАК

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги нутқи

Ассалому алайкум, ҳурматли Кенгаш аъзолари!

Муҳтарам ватандошлар!

Бугун сиз, азизлар билан ғоят муҳим масалаларни муҳокама қилиш ва улар юзасидан зарур ечимлар топиш учун йиғилдик.

Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг йиғилишида Олий Мажлис ҳамда Вазирлар Маҳкамаси раҳбарлари, ҳурматли депутат ва сенаторлар, вазирлар, ҳокимлар билан бирга миллий маънавиятимиз фаоллари, маданият, адабиёт ва санъат соҳаси вакиллари ҳам иштирок этмоқда.

Барчангизга аён, юртимизда Президент ушбу Кенгаш раиси ҳисобланади. Ҳудудларда эса биринчи раҳбарлар бу масала учун масъул этиб белгиланган.

Нима учун шундай йўл тутдик? Чунки илм-фан, таълим ва тарбия, маънавият биз учун устувор масаладир.

Албатта, Янги Ўзбекистонни, Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш учун аввало унинг мустаҳкам иқтисодий, моддий-техник асосларини яратиш керак. Бугун шу йўлда халқимиз билан биргаликда амалга ошираётган ишларимизда барчангиз фаол иштирок этмоқдасиз.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда иқтисодиётни чинакам бозор муносабатлари асосида ташкил этяпмиз. Барча соҳа ва тармоқларда давлат иштироки камайтирилиб, хусусий мулк ва инвестицияларга, давлат-хусусий шериклик тамойилларига кенг йўл очилмоқда. Тадбиркорлар, фермер ва кластерлар учун қулай шароитлар яратиб беряпмиз. Ўзбекистонда “мажбурий меҳнат”, “болалар меҳнати”га бутунлай чек қўйилди. Давлат буюртмаси тизимини ҳам оптимал ҳолатга келтиряпмиз.

Барча соҳаларга рақамлаштириш, “яшил” ва инновацион технологиялар жадал кириб бормоқда. Юртимизда янги-янги замонавий саноат ва энергетика мажмуалари, автомобиль ва темир йўллар, технопарк ва “ай-ти” парклар, “ақлли” ва электрон бошқарув тизимлари барпо этилмоқда.

Шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун мамлакатимиз қиёфаси тубдан ўзгармоқда. Қисқа муддатда мактаб, мактабгача таълим, олий таълим, спорт ва туризм соҳаларини ривожлантириш бўйича улкан қадамлар қўйдик. Тиббиёт соҳасида ҳам чуқур ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Аҳолини замонавий уй-жойлар билан таъминлаш борасида илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган натижалар қўлга киритилмоқда.

Эътибор қилинг, бу йил ижтимоий соҳага энг кўп — 134 триллион сўм маблағ ажратилди. Бу — 2016 йилга солиштирганда 5,6 баробар зиёд демакдир. Янги таҳрирдаги Конституциямизда белгиланган **Ўзбекистон — ижтимоий давлат** деган қоиданинг амалий ҳаётимиздаги тасдиғини биргина ана шу мисолда ҳам яққол кўриш мумкин.

Бу ишлар дастлабки қадамлар бўлиб, келгусида янада кенгайиб боради.

Хабарингиз бор, бу йил **“Ўзбекистон — 2030” стратегиясини** қабул қилдик. Бу муҳим ҳужжатда ўз олдимизга аниқ мақсадлар қўйиб, маррани баланд олдик. Ушбу стратегияга мувофиқ, 2030 йилгача ялпи ички маҳсулот ҳажмини 2 баробар ошириб, 160 миллиард долларга, аҳоли жон бошига даромад миқдорини эса ўртача 4 минг долларга етказишни режа қилганмиз.

Бугун жаҳон миқёсида тараққиёт суръатлари мисли кўрилмаган даражада шиддатли тус олмоқда. Айни вақтда азалий қадриятлар, ижтимоий-сиёсий қарашлар тизимида чуқур трансформация жараёнлари юз бермоқда. Илгари ўз мақсад ва манфаатларини, асосан, дипломатия ва сиёсат билан ҳимоя қилиб келган дунёдаги қудратли марказлар энди очиқчасига босим ўтказиш, қарама-қаршилик ва тўқнашувлар йўлига ўтганига ҳаммамиз гувоҳмиз.

Афсуски, бундай кенг кўламли ва ўта зиддиятли жараёнларнинг таъсири Марказий Осиё минтақаси ва унинг таркибий қисми бўлган мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмаяпти.

Ана шундай ғоят мураккаб ва таҳликали вазиятда Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига жавоб берадиган тўғри йўлни топиш албатта осон бўлмаяпти. Биз дунёдаги узоқ-яқин барча давлатлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантиришга ҳаракат қиляпмиз.

Тарихдан маълум: Ватан ва халқ тақдирига нисбатан таҳдидлар кучайган вазиятда айнан миллат фидойилари — уйғоқ қалбли зиёлилар, шоир ва адиблар, санъат намояндалари, маънавият ва маърифат соҳаси ходимлари жасорат билан майдонга чиққанлар. XX аср бошларида халқимизни озодлик ва илм-маърифат учун курашга чорлаган жадид боболаримизни эслайлик.

Яқинда “Миллий тикланиш” газетасида Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзонинг “Жадидлар” деган шеърини ўқиб қолдим. Ҳурматли шоиримиз “Жадидлар етишмаяпти, жадидлар”, деб, бугунги кунда кўпчилик халқимизни, жумладан, мени ҳам қийнаётган саволларга жавоб излаган.

Чиндан ҳам, мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги, юксак босқичига кираётган ҳозирги пайтда бизга жадид боболаримиз каби Ғарб илм-фани ютуқлари билан бирга, миллий қадриятлар руҳида тарбия топган етук кадрлар сув билан ҳаводек зарур. Лекин уларни ким тарбиялайди? Албатта, ўзимиз тарих сабоқлари, замон талаблари асосида тарбиялашимиз зарур.

Яқинда пойтахтимизда ўтказилган **“Жадидлар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари”** мавзусидаги конференция жаҳон илм-фан ва маданий жамоатчилиги ўртасида катта қизиқиш ва эътибор уйғотганидан барчангиз хабардорсиз.

Бу ишларни янада кенгайтириш ва янги босқичга кўтариш мақсадида алоҳида Президент қарори қабул қилинади. Жумладан, Бухородаги тарихий масканда Жадидлар мероси давлат музейи бунёд этилади.

Маърифатпарвар аждодларимизнинг мероси бугун биз қураётган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти учун пойдевор бўлиб хизмат қилиши табиийдир. Чунки уларнинг ғоя ва дастурлари Янги Ўзбекистонни барпо этиш стратегияси билан ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳангдир.

Ана шу ишларимизни давом эттириш мақсадида Ёзувчилар уюшмаси, Фанлар академияси, Маънавият ва маърифат маркази, Миллий массмедиани қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, “Шаҳидлар хотираси” жамғармаси ҳамда жамоатчилик вакилларининг “Жадид” номли янги газета ва унинг электрон версиясини ташкил этиш ҳақидаги ташаббусини биз албатта қўллаб-қувватлаймиз.

Азиз дўстлар!

Ўзимизга бир савол бериб кўрайлик: биз ҳозирги кескин шароитда ғоявий-мафкуравий соҳада рақобатга тайёрмизми? Ёш авлодимиз тарбияси мураккаб замон талабларига жавоб беряптими?

Мана, бугун маънавий-маърифий соҳада масала қандай ўткир ва кўндаланг бўлиб турибди. Булар оддий саволлар эмас. Одамни жиддий ўйлантирадиган, ташвишга соладиган саволлар. Агар биз бу ёруғ дунёда “ўзбек”, “Ўзбекистон” деган номлар билан яшаб қолишни истайдиган бўлсак, бу саволларга бугун жавоб топишимиз ва уларни ҳал этиш бўйича амалий ҳаракатларни айнан бугун бошлашимиз шарт. Эртага кеч бўлади.

Албатта, биз дунё миқёсидаги иқтисодий инқироз ва пандемия таъсирига қарамасдан, маънавий-маърифий ишларни кучайтириш бўйича катта ишларни амалга оширмоқдамиз. Бу борада 2017 йил 3 августда ижодкор зиёлилар билан учрашув ҳамда 2021 йил 19 январдаги Кенгаш йиғилишидаги мулоқотлар давомида сизлар билан кўплаб масалалар бўйича аниқ ечимларни топган эдик.

Бу ҳақда гапирганда, Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармаси ҳамда Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти ташкил этилганини айтиш ўринлидир. Республика Маънавият ва маърифат маркази тизимидаги ходимлар сони икки карра оширилди, уларни моддий рағбатлантириш чоралари кўрилди. Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш учун ҳар йили 45 миллиард сўмдан маблағ ажратяпмиз.

Марказ тегишли вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда жойларда кўплаб тадбирлар ўтказмоқда. Хусусан, “Маърифат улашиб” ва “Китоб карвони” акциялари доирасида 200 мингга яқин номдаги китоблар аҳолига бепул тарқатилди. Республика Маънавият ва маърифат маркази, унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан 11 мингдан ортиқ медиа маҳсулотлари тайёрланди.

Бу борадаги ишларимизни янада жадаллаштириш учун 2024 йилдан бошлаб ҳар йили 100 миллиард сўмдан маблағ ажратилади.

Миллий маънавиятимизнинг ажралмас қисми бўлган маданият, адабиёт ва санъат, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш бўйича ҳам катта ишларни амалга оширдик. Айниқса, “Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида”ги Қонунни қабул қилганимиз, 15 апрель санасини Маданият ва санъат ходимлари куни этиб белгилаганимиз соҳа ривожида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Миллий анъаналаримизни асраб-авайлаш ва бойитиш мақсадида Мақом, Бахшичилик ва Аския санъати марказлари ташкил этилди. Шунингдек, “Баҳор” рақс ансамбли, Давлат филармонияси, Давлат симфоник оркестри каби 20 дан ортиқ муассасалар фаолияти йўлга қўйилди.

Ўтган даврда 11 та янги музей, 2 та театр, 28 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 5 та олийгоҳ, жумладан, янги авлод журналистларини тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ташкил этилди.

Шу ўринда муҳим бир рақамга эътибор беришингизни сўрайман. Маданият ва санъат соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳажми 2017 йилга нисбатан 5 карра ошиб, 2023 йилда бу мақсадлар учун 712 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Биз бой ва бетакрор маданий меросимизни дунёга тарғиб этиш бўйича алоҳида тизим яратдик. Мамлакатимизда мунтазам ўтказиб келинаётган “Мақом”, “Бахшичилик”, Ҳунармандчилик, “Лазги” каби халқаро фестиваллар шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Бу борадаги катта ишларимиздан яна бири — 24 та хорижий мамлакатда, жумладан, қўшни давлатларда ҳам “Ўзбекистон маданияти кунлари” юқори савияда ўтказилди. Айниқса, Франция, Германия, Хитой, Саудия Арабистони каби давлатларда намойиш этилган миллий маданиятимизнинг ноёб намуналари дунё жамоатчилигини ҳайратга солгани ва улар Ўзбекистонни ўзлари учун янгитдан кашф этгани барчамизни қувонтиради.

Бу ишларни албатта давом эттирамиз ва келгусида Италия, Буюк Британия, Қатар, Бирлашган Араб Амирликларида ҳам ана шундай кўргазмалар ташкил қилинади.

Кейинги йилларда ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий мероси рўйхатига яна 9 та миллий меросимиз намунаси, Бухоро шаҳри “Ижодкор шаҳарлар тармоғи”га киритилганини таъкидлаш лозим. Шу йил сентябрь ойида ЮНЕСКО Бош қароргоҳида буюк бобомиз Абу Райҳон Беруний нинг 1050 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонлангани ҳам муҳим воқеа бўлди.

Халқаро майдонда маданий дипломатиямизнинг ўрни тобора ортиб бормоқда. Хабарингиз бор, ЮНЕСКО Бош конференцияси сессиялари қарийб 40 йилдан буён фақат Парижда ўтказилади. 2025 йилда эса бу конференциянинг сессиясини биринчи марта бошқа шаҳарда, яъни Самарқандда ўтказиш белгиланди. Ушбу нуфузли анжуманга Ташкилотга аъзо барча давлатлардан вакиллар ташриф буюради.

Ҳеч шубҳасиз, бу — Ўзбекистон учун катта ишонч, айни пайтда масъулият ҳамдир. Шу сабабли бу йирик халқаро тадбирга ҳозирдан пухта тайёргарлик кўришни бошлашимиз керак.

Бу йил Тошкент шаҳрида Халқаро туркий маданият ташкилоти — ТУРКСОЙнинг 30 йиллик юбилейи юқори савияда ўтказилди.

Бир асрдан зиёд тарих ва анъаналарга эга бўлган ўзбек кино санъати ҳам тараққиёт йўлига чиқиб бормоқда. Энг муҳими, халқимизга манзур бўладиган кино асарлари пайдо бўляпти. Буюк саркарда ва давлат арбобларимиз, улуғ алломалар, маданият намояндаларимиз ҳақида тарихий фильмлар яратилмоқда.

Қарийб чорак асрдан кейин Тошкент халқаро кинофестивалини қайта тикладик. 2021 йилдан буён ҳар йили жаҳоннинг 50 дан ортиқ мамлакатидан юзлаб киноижодкорлар Ўзбекистонга ташриф буюрмоқда. Алишер Навоий номидаги кино саройи замонавий қиёфага эга бўлди, янги “Ренессанс” кино уйи барпо этилди. Миллий фильмлар яратиш учун давлат томонидан ажратилаётган маблағлар ҳажми ҳам тобора ортиб бормоқда.

Азиз дўстлар!

Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини, эзгу ғояларни таранним этишда ўзбек адабиёти бошқа маданият соҳалари учун ҳамиша мустаҳкам замин бўлиб келган.

Биз замонавий адабиётимизни ривожлантириш мақсадида пойтахтимизда Адиблар хиёбонини, Ёзувчилар уюшмасининг муҳташам биносини барпо этдик. Ўлкамизнинг баҳаво ҳудудларида янги ижод уйларини қурдик. Самарали ижод қилаётган адибларимиз имтиёзли асосда янги уй-жойлар билан таъминланди. Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини моддий қўллаб-қувватлаш учун ҳар йили қарийб 25 миллиард сўм ажратилмоқда.

Ёш истеъдод эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Зомин семинари қайта тикланди. Навқирон шоир ва ёзувчиларнинг биринчи китоблари катта тиражларда нашр этилмоқда. Атоқли ижодкорларимизнинг тавваллуд саналарини кенг нишонлаш яхши анъанага айланди.

Биринчи марта нашр этилган 100 жилдлик “Туркий адабиёт дурдоналари”, 30 жилддан иборат “Мустақиллик даври навоийшунослиги”, “Қорақалпоқ адабиёти дурдоналари”, “Мард аскарга совға” сингари адабий мажмуалар маънавий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Биз бу йиғилишга узоқ тайёргарлик кўрдик. Миллий маънавиятимиз ва маданиятимизни ривожлантириш бўйича таниқли олимлар, шоир ва адиблар, санъаткорлар, рассом ва журналистлар, эксперт ва мутахассисларнинг фикрларини олдик.

Менинг топшириғимга биноан Вазирлар Маҳкамаси Бош вазир А. Арипов раҳбарлигида бу масалаларни синчиклаб ўрганиб чиқди. Тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, маданият соҳаси фаоллари билан алоҳида йиғилиш ҳам ўтказилди. Кўпгина масалалар ўша мажлиснинг ўзида ҳал қилинди ва яна баъзи муаммолар ҳам аниқланди.

Мен бугунги мажлис учун тайёрланган барча таҳлилий материаллар билан батафсил танишиб чиқдим. Шу асосда энг муҳим вазифаларга қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

(Давоми 2-бетда).

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2023 йил 23 декабрь

МАЪНАВИЯТ ҲАЁТИМИЗДА ЯНГИ КУЧ, ЯНГИ ҲАРАКАТГА АЙЛАНИШИ КЕРАК

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги нутқи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Аввало, маънавият ва маданият соҳасидаги ишларимиз учун методик асос бўлиб хизмат қиладиган миллий ғоямизни ривожлантириш бўйича алоҳида дастурий ҳужжат ишлаб чиқишимиз лозим. Бу жараёнда янги таҳрирдаги Конституциямиз талаблари ҳисобга олиниши зарур. Мана, биз Асосий Қонунимиздаги фундаментал принциплардан келиб чиқиб, **Дунёвий давлат концепцияси**ни ишлаб чиқяпмиз.

Нима учун бунга зарурат туғилмоқда?

Ўзингиз кўряпсиз, бугунги кунда ижтимоий тармоқлар орқали, асосан, четдан, баъзан, ҳатто мамлакатимизнинг ўзида ҳам Конституция ва қонунларимизга зид позициялар илгари сурилмоқда.

Баъзи гуруҳлар орасида диний қарашларни Конституция ва қонунларимизга қарши ва улардан устун қўйиш ҳолатлари кучаймоқда. Диний эътиқод ниқоби остида ёшларни маърифатга эмас, жаҳолатга ундаётган кишилар пайдо бўлмоқда. Кўп хотинлик, аёл киши ишламасдан уйда ўтириши, ўқимаслиги керак, дунёвий қадриятлар ҳаром, деган сохта “даъват”лар янграмоқда.

Улуғ маърифатпарвар Ибрат домланинг: **“Миллатни ким ислоҳ этар? Уламо ғайрат этканда миллат, албатта, ислоҳ топур”**, деган ҳикматли сўзларида чуқур маъно бор.

Фурсатдан фойдаланиб, мен муҳтарам уламоларимиз, дин пешволарини инсон қадрини улуғлаш, тинчлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган ислоҳотларимизда фаол бўлишга, ўзларининг маънавий фазилатлари билан бошқаларга ўрнак кўрсатишга чақираман.

Маълумки, кейинги йилларда ҳаж, умра зиёратларига кенг йўл очиляпти. Минглаб фуқаролар мана шундай қутлуғ зиёратларга бориб келаётганига ҳаммамиз гувоҳмиз.

Бу борада илгари ҳам айтган бир фикримни такрорламоқчиман: ҳажга, умрага бориб келган ҳар бир юртдошимиз маънавият тарғиботчиси бўлиши, одамларни яхшиликка бошлаши керак. Афсуски, ҳамма жойда ҳам шундай бўлмаяпти. Зиёрат баҳона ўзини кўз-кўз қилиш, манманликка берилиш каби бизга ярашмайдиган хунук ҳолатлар кўзга ташланмоқда. Булар албатта барчамизни ўйлантириши керак.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси, хусусан, муфтий ҳазратлари, ҳурматли шайх Нуриддин Холиқназаровнинг диний маърифат соҳасида олиб бораётган саъй-ҳаракатларини барчамиз қўллаб-қувватлаймиз.

Хабарингиз бор, кейинги пайтда коррупция ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича тезкор тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзини “кўча” деб атайдиган жиноий гуруҳлар бўладими, коррупцияга берилган мансабдор шахслар бўладими, ким қонунга беписанд муносабатда бўлиб, давлат ва жамиятга зарар етказадиган бўлса, биз бунга ҳеч қачон жим қараб туролмаймиз. Кўчаларимиз, маҳаллаларимиз, ҳаётимиз том маънода тинч ва тоза, жиноятдан холи бўлиши керак.

Шу муносабат билан маҳалла фаоллари, ҳурматли аёлларимиз ва муҳтарам нуронийларимизга, айниқса, катта орзу-умидлар билан ҳаётга кириб келаётган ёшларимизга мурожаат қилиб айтмоқчиман.

Азизларим, тарбияси издан чиққан нопок кимсалардан огоҳ бўлайлик!

Фарзандларимизни уларнинг бузғунчи таъсиридан асрайлик!

Келажагимизни ёвуз кучлар қўлига бериб қўйишга асло ҳаққимиз йўқ.

Агар барчамиз биргаликда қатъий ҳаракат қилсак, жамиятимизда соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни мустаҳкамлашга албатта қодирмиз.

Янги Ўзбекистонда қонун устувор, жиноятга жазо муқаррар бўлиши шарт. Ва албатта шундай бўлади.

Иккинчидан, маданий-маърифий соҳадаги ишларни янги босқичга кўтаришда ҳокимларнинг масъулиятини кескин оширишимиз зарур. Ҳудудлар раҳбарлари бир ҳақиқатни билиб олсин: сизларнинг фаолиятингизга ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишларнинг сифати ва самарасига қараб баҳо берилади.

Шу йил ноябрь ойида менинг топшириғим билан марказдан борган масъул шахслар иштирокида 14 та ҳудудда Маънавият ва маърифат кенгашларининг йиғилишлари ўтказилди. Афсуски, аксарият ҳокимлар ўзлари раҳбарлик қилаётган ҳудуддаги маънавий тарбия ишларини ўз ҳолига ташлаб қўйган. Масалан, Андижон вилояти Хонобод шаҳри ҳокими Тожибоевнинг республика ишчи гуруҳига очиқдан-очиқ “Маънавият мен учун охирги ўриндаги масала” деганини қандай тушуниш мумкин?

Яна бир мисол, 2021 — 2023 йилларда 195 та туман ва шаҳарда Маънавият ва маърифат масканини барпо этиш бўйича манзилли рўйхатни тасдиқлаган эдик. Бу борада Сирдарё вилоятида 11 та, Сурхондарё вилоятида 15 та масканнинг барчаси фойдаланишга топширилиб, Президент қарори ижроси тўлиқ бажарилганини қайд этиш лозим. Лекин айрим жойларда бу ишлар охирига етказилмаган. Мисол учун, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Тошкент, Андижон, Жиззах вилоятлари ва Тошкент шаҳрида қарор ижроси тўлиқ бажарилмаганини қандай изоҳлаш мумкин?

Бош вазир А. Арипов Иқтисодиёт ва молия вазири Ж. Қўчқоров, Президент Администрацияси департамент раҳбари Қ. Қуронбоев, ҳудудлар раҳбарлари билан биргаликда бир ой муддатда ҳар бир туманда Маънавият маскани қуриш ва унинг таъминоти билан боғлиқ муаммоларни чуқур ўрганиб, уларни режа-жадвал асосида ишга тушириш чораларини кўрсин.

Таъкидлаб айтмоқчиман: **бугун маънавият бошқа соҳалардан ўн қадам олдинда юриши керак, маънавият янги кучга, янги ҳаракатга айланиши шарт!**

Шу мақсадда халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни сифат ва мазмун жиҳатидан мутлақо янги босқичга кўтаришимиз лозим. Яқинда Сурхондарё вилоятида бўлган учрашувда зиёлиларимиз томонидан билдирилган таклиф асосида ҳудудларда фаолият олиб бораётган 4 та секторга қўшимча равишда маънавият секторини ташкил этамиз.

Таъкидлаш керакки, маънавият сектори маҳаллий давлат ҳокимияти ҳамда жойлардаги Маънавият ва маърифат кенгашларининг ишчи тузилмаси сифатида фаолият кўрсатади. Ушбу сектор фаолияти учун маънавият ва маърифат кенгашлари раҳбарлари, яъни ҳокимлар шахсан масъул ва жавобгар бўлади.

Биз бу ташаббусни келгуси йили Сурхондарё вилоятида синовдан ўтказамиз. Республика Маънавият ва маърифат маркази (Ҳожиматов) 10 кун муддатда маънавият секторининг ташкилий тузилмаси ва низомини ишлаб чиқсин. 2024 йил январдан бошлаб республика семинарини ўтказиб, март ойига қадар Сурхондарё вилоятида ушбу сектор фаолиятини тўлиқ таъминласин.

Учинчидан, ёшларимизни миллий ва умумбашарий ғоялар асосида камол топтиришда маданият соҳаси, хусусан, театр санъатининг катта ўрни бор. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 40 та театр фаолият кўрсатмоқда. Ҳар йили 40 та янги спектаклга давлат буюртмаси берилмоқда. Бунинг учун шу йилнинг ўзида 15 миллиард сўм ажратилди.

Жорий йилда театр ва кино драматургиясини ривожлантириш мақсадида республика “Нигоҳ” ижодий семинари ўтказилди.

Айни пайтда жойларда маданият масканлари, хусусан, театрларнинг аҳволи қандай, ҳокимларимиз уларнинг ҳолидан хабардорми, деган савол туғилиши табиий. Агар ҳозир “Қани, охирги бир ойда қайси театрга бордингиз, қандай янги китоб ўқидингиз?”, деб сўрасам, ўйлайманки, аксарият раҳбарлар хижолат бўлиб қолиши мумкин. Ҳолбуки, раҳбар-етакчилар ижтимоий дунёқараш, маданий савия бўйича бошқаларга ўрнак бўлишлари керак.

Шу мақсадда, барча корхона ва муассасаларда ойнинг бир кунини “Театр куни” деб эълон қилиб, ходимларнинг театрларга боришини йўлга қўйсак, ўйлайманки, ҳар томонлама фойдали бўлади.

Менинг ўзим маданият вазиримизга, яхши спектакль бўлса, вақт топиб, театрга албатта бораман, деб бир неча марта айтганман. Лекин негадир ҳозирча улардан аниқ бир таклиф бўлмаяпти.

Театр санъатини ривожлантириш бўйича Маданият вазирлигига (О. Назарбеков) бир ой муддатда дастур лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритиш вазифаси топширилади. Ушбу дастурда тарихий ва замонавий мавзулар бўйича 20 та энг яхши пьеса учун ижодий буюртма бериш орқали драматургларга 50 миллион сўмдан қалам ҳақи тўлаш тизимини жорий этиш, 50 нафар ижодий ва ёрдамчи ходимларнинг ривожланган давлатлар театрларида маҳорат оширишини йўлга қўйиш, ёш режиссёрларни қўллаб-қувватлаш учун Маннон Уйғур номидаги мукофот таъсис этиш ва ғолибларни муносиб тақдирлаш каби тадбирлар акс эттирилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Бунга қўшимча равишда беш йиллик дастурга биноан театрлар тўлиқ таъмирланиб, энг илғор технологиялар асосида модернизация қилинади. Бу ишларга Бош вазир А. Арипов масъул этиб белгиланади.

Тўртинчидан, маданий дам олиш тизимини такомиллаштириш, аҳолининг бўш вақтини мазмунли ўтказишда мамлакатимиздаги мавжуд 837 та маданият марказининг фаолияти жуда муҳим.

Сўнгги йилларда юртимизда 43 та маданият маркази янгидан қурилди, 344 та маданият марказида таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилди.

Бугунги кунда бундай марказларда 4 мингга яқин тўғарак фаолият кўрсатмоқда, уларда 120 мингдан ортиқ ёшлар шуғулланмоқда. Масалан, Фарғона шаҳар маданият марказидаги 81 та тўгаракка 1000 га яқин фарзандларимиз қамраб олингани эътиборга лойиқ.

Афсуски, ҳамма жойда ҳам марказлар фаолияти самарали йўлга қўйилмаган. Республика бўйича 167 та маданият маркази ўз биносига эга эмас, 283 та бино авария ҳолатида, жами 8 мингта мусиқа анжомига эҳтиёж мавжуд. Оқибатда 4 мингта маҳаллада яшаётган аҳоли маданий хизматлардан фойдалана олмаяпти.

Энди бу тизимни тубдан ўзгартирамиз. Яъни жойлардаги маданият марказлари учун ҳокимлар бевосита жавоб беради. Келгуси йилдан бошлаб ҳар бир туманда саҳнали зал, кутубхона, кинозал ва тўгарак хоналари мавжуд бўлган 1 тадан маданият маркази фаолияти йўлга қўйилади.

Жойлардаги 600 дан зиёд бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг моддий-техника базасини яхшилаш бўйича дастур қабул қилиб, бунга 100 миллиард сўм йўналтирамиз.

Бешинчидан, мақом ва бахшичилик санъатини ривожлантириш, мавжуд ижро ва ижодий мактабларни, бу борадаги анъаналарни илмий асосда ўрганиш ва қайта тиклаш ишларини янада кучайтирамиз.

Ҳозиргача 120 та мақом, бахшичилик достонлари, халқ куйи ва қўшиқлари “олтин фонд”га ёзиб олинди. Мақом санъатини ривожлантириш, уни қоронғуликдан ёруғликка олиб чиқиш йўлида жонбозлик кўрсатаётган санъаткорларимизга ҳар қанча раҳмат айтсак, арзийди.

Халқ оғзаки ижоди дурдоналарини кенг тарғиб этиб келаётган бахшилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳам эътиборимиз марказида бўлади. Маданият вазирлигига санъатимизнинг “олтин фонд”ига киритилган мумтоз ва эстрада мусиқа асарларини, фольклор намуналарини рақамлаштириб, интернетда кенг тарғиб этиш чораларини кўриш топширилади.

Куни кеча номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш ва тарғиб этишга доир муҳим бир қарорни имзоладим. Унда, жумладан, Маданиятшунослик ва номоддий маданий мерос институтини ташкил этиш, “Алпомиш” ва “Гўрўғли” достонлари ҳамда Фарғона — Тошкент, Хоразм, Бухоро мақом йўлларидаги мусиқа асарларини илмий тадқиқ этишга 28 та мақсадли грант ажратиш бўйича вазифалар аниқ белгилаб қўйилган. Шунингдек, мамлакатимиз фондларида сақланаётган 3 мингдан зиёд достон, мақом ва фольклор асарларини замонавий форматга ўтказиш кўзда тутилган.

Яна бир муҳим янгилик — мақом, катта ашула, бахшичилик, атлас ва адрас, кулолчилик ва заргарлик каби 12 та ноёб маданий мерос намуналари бўйича анъаналарни давом эттирадиган мактаблар яратилади.

Олтинчидан, миллий маданиятимиз ривожида муҳим ўринга эга бўлган мусиқа ва рақс санъатини равнақ топтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади. Жумладан, “Баҳор” рақс ансамблини бино билан таъминлаш бўйича Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси билдирган таклифни қўллаб-қувватлаймиз. Бундан буён “Баҳор” жамоаси илгари Филармония жойлашган машҳур санъат саройида фаолият юритади.

Таниқли ашула ва рақс ансамблларининг хорижга гастроль сафарлари кўпайтирилади. Мусиқа ва рақс санъати масалаларини илмий ўрганиш, соҳада илмий кадрларни кўпайтириш мақсадида илмий тадқиқотлар учун грантлар жорий қилинади.

Шунингдек, Тошкент давлат цирки биносини таъмирдан чиқариш бўйича ҳам чора-тадбирлар кўрилади. Бош вазир А. Арипов бу масала бўйича 1 ой муддатда қарор лойиҳасини киритсин.

Еттинчидан, халқаро майдонда ўзбек маданий дипломатиясини ривожлантириш, бой маданий меросимизни халқимизга ва хорижий сайёҳларга кенг таништириш ишларини янги босқичга кўтарамиз.

Келгуси йили Тошкентда креатив иқтисодиётга бағишланган халқаро конференцияни, Нукусда эса “Орол маданияти” халқаро илмий анжуманини ўтказамиз.

Креатив иқтисодиётни ривожлантириш бўйича алоҳида қонун қабул қилиш ҳам кун тартибидаги долзарб масаладир.

Бухоронинг тарихий ҳудудида 2025 йилда илк бор халқаро тасвирий санъат анжумани ўтказилади. ЮНЕСКО мезонлари асосида бу қадимий шаҳарнинг мастер ва менежмент режаларини ишлаб чиқамиз.

Умуман олганда, 2024 йилдан бошлаб юртимизда маданият ва санъат фестиваллари ва бошқа тадбирларни янгича ёндашувлар асосида ташкил этамиз. Барча фестивалларимиз том маънода Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини юксалтириш ва юртдошларимизнинг маданий савиясини оширишга хизмат қилиши лозим.

Яна бир масала. Музейлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича етти йиллик дастур қабул қилинади. Экспонатларни сақлаш ва муҳофаза қилиш бўйича барча музейлар замонавий ускуналар билан жиҳозланади ва энг ноёб экспонатлар маркировка қилинади.

Инновацион технологиялар асосида Тарих музейи ҳамда Санъат музейининг замонавий янги бинолари барпо этилади. Темурийлар тарихи ҳамда Табиат музейларининг экспозицияси янгиланади. Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи капитал таъмирланади.

Бундан ташқари, музейларимизда, хусусан, Ислом цивилизацияси марказида Биринчи ва Иккинчи Ренессанс, давлатчилик тарихи ва буюк алломалар фаолияти бўйича янги экспозициялар ташкил қилинади.

Франция давлати билан ҳамкорликда Миллий реставрация маркази фаолиятини йўлга қўямиз. Бугунги кунга қадар хорижий реставраторлар билан бирга 238 та маданий бойлик реставрация қилинди.

Муқаддас китоб — Усмон Қуръони саҳифалари ҳам консервация ва реставрация қилинади.

Юртимизнинг кўҳна тарихига бағишланган 18 та археология ёдгорлигини очиқ осмон остидаги музейга айлантирамиз. Шунингдек, Самарқандда соҳибқирон Амир Темур боғлари қайта тикланади, “Буюк Ипак йўли” музейини барпо этамиз ва Бибихоним мажмуасини реставрация қиламиз.

Саккизинчидан, кино соҳасини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар давом эттирилади.

Ҳозирги вақтда “Тирик тарих” сериясида Ватанимизнинг шонли ўтмишига бағишланган 50 та бадиий фильм яратиш бўйича Фармон лойиҳаси тайёрланмоқда. Шу асосда тарихий фильмлар яратиш дастури ишлаб чиқилади. Бу дастур ижросига нафақат маҳаллий, балки хорижий ижодкорлар, кинокомпаниялар ҳамда инвесторлар жалб этилади.

Бутун дунёда кино нафақат ижод, балки иқтисодиёт тармоғи ҳамдир. Ушбу икки йўналиш ўзаро уйғун ривожланиши учун тегишли ишларни амалга ошириш керак.

Бухоро вилояти ҳокими Б. Зарипов, Самарқанд вилояти ҳокими Э. Турдимов, Тошкент вилояти ҳокими З. Мирзаев икки ҳафта муддатда ўз вилоятларида эркин иқтисодий киноҳудудлар барпо этиш бўйича лойиҳаларни бошласин.

Вазирлар Маҳкамаси (А. Арипов), Кинематография агентлиги (Ф. Абдухолиқов) тегишли вазирлик ва ҳокимликлар билан биргаликда 1 ой муддатда юқорида кўрсатилган барча масалаларни ҳал қилиш бўйича қарор лойиҳасини киритсин. Унда, жумладан, буюк аждодларимизнинг ибратли ҳаёт йўли ҳақида кўп қисмли анимацион фильмлар яратиш назарда тутилсин. Кейинчалик ушбу фильмлар қаҳрамонларини ўйинчоқлар, ўқув дафтарлари ва бошқа маҳсулотларда акс эттириб, фарзандларимиз онгига сингдиришимиз лозим.

Ҳозирги вақтда дунё медиа оламида теле ва кино сериаллар жадал ривожланмоқда. Дастлаб кўнгилочар ва маиший мавзуларда пайдо бўлган сериаллар бугунги кунга келиб, турли давлат ва миллатларнинг муайян мақсадларини тарғиб этиш воситасига айланиб бормоқда.

Савол туғилади: халқимиз телевизорни энг кўп кўрадиган пайтларда, яъни “прайм-тайм” вақтида хорижий сериалларга катта ўрин бераётганимиз ҳанчалик тўғри?

Албатта, буларнинг барчаси олдимизга кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифаларни қўймоқда. Жумладан, миллий сериаллар ишлаб чиқариш бўйича мавжуд тизимни тубдан ислоҳ этиш, бу йўналишда ижодкорларимизни қўллаб-қувватлаш лозим.

Айнан шу йўл билан миллий сериалларимизни ғоявий-бадиий ва техник жиҳатдан жозибали, ҳамма қизиқиб кўрадиган даражага етказиш мумкин.

Шу мақсадда Миллий сериаллар ишлаб чиқариш концепциясини яратиш зарур. Унда, авваламбор, маҳаллий ижодкорларимизга, хусусан, ижрочи санъаткорлар, драматург ва режиссёрларимиз учун замонавий шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратиш ўринли бўлади, деб ўйлайман. Бунинг учун IT-Park каби эркин иқтисодий зона — Cinema-park ташкил этиш лозим.

Шу муносабат билан Бош вазир А. Арипов Cinema-park учун давлат-хусусий шериклик асосида Тошкент вилояти ҳудудидан 50 гектар ер майдони ажратиш бўйича таклиф киритсин.

Вазирлар Маҳкамаси (А. Арипов), Президент Администрацияси департамент раҳбарлари О. Абдураҳмонов, К. Алламжонов 1 ой муддатда Миллий сериаллар ишлаб чиқариш концепцияси лойиҳасини тайёрлаб киритсин.

Тўққизинчидан, тасвирий ва амалий санъат соҳасини янада ривожлантириш учун алоҳида дастур қабул қиламиз. Ушбу дастур асосида, жумладан, Марказий кўргазмалар зали жаҳон стандартлари асосида реконструкция қилинади ва жиҳозланади, пойтахтимизнинг Чилонзор туманида жойлашган Бадиий фонд ҳудудида замонавий галерея биноси қурилади ҳамда 40 та ижодий устахонадан иборат Ёш рассомлар маркази ташкил этилади.

Танлов асосида 20 нафар истеъдодли ёш рассом ва ҳайкалтарош, санъатшунос ва музейшунослар хорижий мамлакатларга стажировкага юборилади.

Хаттотлик ва миниатюра санъати таълимини амалиёт билан боғлаш мақсадида миллий усулда қоғоз тайёрлаш бўйича ўқув ишлаб чиқариш устахонаси ташкил этилади.

Яна бир муҳим масала — маданият ва санъат соҳасида таълим сифатини ошириш бўйича жиддий ўзгариш қилишимиз шарт. Айни вақтда республикамиздаги 323 та мусиқа ва санъат мактабида 14 мингдан ортиқ ўқитувчи ва концертмейстер фаолият юритмоқда. Лекин уларнинг ойлик иш ҳақи миқдори умумтаълим мактаблари педагогларининг маошидан 1,5 баробар кам.

Ота-оналар томонидан тўланадиган пуллар мактабларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва ўқувчиларнинг ижодий танловларда иштирокини таъминлаш учун етмайди. Ўтган 10 ойда шундай тўловдан тушган 61 миллиард сўмнинг 40 фоизи ёки 25 миллиард сўми коммунал харажатларга сарфланган.

Иқтисодиёт ва молия вазири Ж. Қўчқоров, маданият вазири О. Назарбеков икки ҳафта муддатда мусиқа ва санъат мактаблари муаллимларининг ойлигини ошириш, ушбу мактабларнинг коммунал харажатларини бюджетдан қоплаш бўйича таклиф киритсин.

Умуман олганда, маданият ва санъат, кутубхона ва музейлар соҳасида фаолият олиб бораётган ходимларнинг ойликларини босқичма-босқич ошириш юзасидан зарур чоралар кўрилади. Жумладан, уларнинг иш ҳақи 2024 йил 1 апрелдан 20 фоизга, 2025 йил 1 январдан яна 15 фоизгача бўлган миқдорда оширилади. Бунинг учун Давлат бюджетидан 2024 йилда қўшимча равишда 150 миллиард сўм, 2025 йилда эса 200 миллиард сўм маблағ йўналтирилади.

Шу билан бирга, маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун янги йилда қўшимча равишда 100 миллиард сўм ажратилади.

Муҳтарам юртдошлар!

Кейинги пайтда мамлакатимизда **ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини ошириш** бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Ана шу ишларимизни давом эттирган ҳолда умумтаълим мактабларида ўзбек тилини ўқитиш самарасини ошириш масаласига бундан буён ҳам алоҳида эътибор қаратамиз.

Ҳеч шубҳасиз, ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчилари ҳам халқаро сертификатга эга бўлган бошқа фан ўқитувчиларидан кам бўлмаган миқдорда қўшимча ҳақ билан таъминланиши керак. Бу албатта адолатдан бўлади.

Шу мақсадда миллий сертификатга эга бўлган ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиларига келгуси ўқув йилидан бошлаб 50 фоиз устама тўланади. Бу мақсадлар учун 2024 йилда қўшимча 10 миллиард сўм, 2025 йилда эса 30 миллиард сўм ажратилади.

Шунингдек, бошқа тилларда таълим олган ҳамюртларимизни давлат тилини ўрганишга рағбатлантириш бўйича ҳам алоҳида механизмлар жорий этилади. Хусусан, улар бу борада махсус сертификатга эга бўлса, ўқиш харажатлари давлат томонидан қоплаб берилади.

Бундан ташқари, ўзбек тилидан бошқа тилларга ихтисослашган мактабларда давлат тилини ўқитиш соатлари кўпайтирилади. Ўзбек тили бўйича ҳам халқаро фан олимпиадасини ўтказамиз. Олимпиаданинг ғолиб ва совриндорлари пул мукофоти билан тақдирланади. Шунингдек, улар мамлакатимиз олийгоҳларининг ўзбек филологияси йўналиши бўйича давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади.

Ҳурматли дўстлар!

Жамиятимизда **китобхонлик маданиятини ошириш** бўйича бошлаган ишларимиз давом эттирилади. Келгуси йилдан миллий ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини кўп минг нусхаларда чоп этиш ва барча кутубхоналарга етказиб бериш чоралари кўрилади.

Шу билан бирга, ҳар йили энг яхши бадиий асарлар яратиш, таржима қилиш учун ижодий буюртмалар берилиб, муаллиф ва таржимонларга муносиб қалам ҳақи тўланади.

Яқинда **“Ёшлар учун — минг китоб”** лойиҳасини амалга ошириш бўйича алоҳида қарор қабул қилдик. Унга кўра келгуси йилдан бошлаб фарзандларимизга рағбат берадиган энг машҳур илмий-оммабоп китобларни ўзбек тилига таржима қилиб, мактаб ва кутубхоналарга бепул тарқатиш йўлга қўйилади.

Албатта, билимдон, зукко олимларимиз, дунё маданиятига жуда катта ҳисса қўшаётган ватандошларимиз кўп. Лекин, афсуски, улар болалар оламига яқин эмас. Ваҳоланки, дунёга машҳур олимларнинг кўпчилиги болаларга атаб китоблар ҳам ёзишган. Масалан, Альберт Эйнштейн ўзининг мураккаб назариясини болалар учун махсус шарҳлаб, алоҳида китоб чиқаргани маълум.

Биз Хоразмий, Беруний, Ибн Сино каби буюк аждодларимиз ҳақида кўп гапирамиз. Аммо болаларимиз уларнинг қайси асарини ўқий олади? Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи деймиз, лекин уларнинг болалик даврини ким билади?

Демак, ана шундай алломаларимизнинг ёшлиги ҳақида китоблар ёзиш, ёзганда ҳам болаларбоп қилиб ёзиш керак.

Фурсатдан фойдаланиб, мен ўз соҳасида илмий мактаб яратган ҳурматли олимларимизни адиблар ва ноширлар билан ҳамкорликда болалар учун қизиқарли ва сермазмун китоблар яратишга чақираман. Бу ишларни рағбатлантириш, янги босқичга кўтариш учун келгуси йили мамлакатимизда **Халқаро болалар адабиёти кўргазмаси**ни ташкил этамиз.

Юртимизда китобхонлик, мутолаа маданиятини юксалтириш, турли йўналиш ва мавзудаги адабиётларни чоп этишни кўпайтириш учун нашриёт ва матбаа корхоналарининг молиявий имкониятларини кенгайтириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш зарур. Шу мақсадда ушбу корхоналар 5 йилга солиқлардан озод қилинади. Шунингдек, уларга имтиёзли кредитлар ажратилади.

Албатта, бу залда ўтирган адибларимиз таржима санъатининг нақадар машаққатли иш эканини яхши биладилар. Мана шундай масъулиятли меҳнатни муносиб рағбатлантириш учун улуғ шоир ва таржимон **Огаҳий номидаги халқаро мукофотни** таъсис этсак, нима дейсизлар?

Сўнгги йилларда кутубхоналар фаолиятини ривожлантиришга катта эътибор беряпмиз. Айниқса, Республика болалар кутубхонаси реконструкция қилинганидан сўнг бу ерда янги маърифий ҳаёт бошланди, десак, тўғри бўлади. Менинг невараларим ҳам шу масканга катта қизиқиш билан боряпти.

Бу эзгу ишларимизни давом эттириб, келгуси йилда Самарқанддаги болалар кутубхонасини реконструкция қиламиз. Ҳудудлардаги бошқа болалар кутубхоналарини ҳам босқичма-босқич болажонларимизнинг севимли масканига айлантирамиз.

Сўнгги пайтларда ўз ҳисобидан кутубхона барпо этаётган ташаббускор инсонлар кўпайиб бораётгани барчамизни мамнун этади. Тасаввур қилинг, 100 нафардан зиёд юртдошимиз бундай хайрли ишга қўл урган. Масалан, Марҳамат туманида тадбиркор Қобилжон Обидов 50 мингдан зиёд китоб фондига эга, уч қаватли замонавий кутубхона ташкил этган, бу зиё масканида 300 мингта электрон китоб ҳам мавжуд.

Мана шундай инсонлар жадидларнинг муносиб давомчилари, бугунги кун қаҳрамонлари эмасми? У киши давлатимизнинг нуфузли ордени билан тақдирлангани ҳам шундан далолат беради. Биз барчага ибрат бўлаётган бундай юртдошларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги раҳбари Асад Ходжаев 1 ой муддатда хусусий кутубхона ташкил этган фуқаролар ва тадбиркорларни рағбатлантириш бўйича қарор лойиҳасини киритсин.

Бугунги кунда мамлакатимизда **Интернет адабиётини ривожлантириш** ҳам муҳимдир. Шу мақсадда интернетда “Ўзбек маданияти” порталини яратиб, унинг таркибида адабиёт, кино, тарих, санъат, фольклор портали каби платформаларни ташкил этиш ва доимий фаолият юритишини таъминлаш зарур. Бунинг учун Рақамли технологиялар вазири Шерзод Шерматов, Фанлар академияси вице-президенти Баҳром Абдуҳалимов, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги раҳбари Асад Ходжаев, Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саидов, Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минҳожиддин Ҳожиматов масъул ва жавобгар этиб белгиланади.

Маълумотларга кўра, сўнгги 2 йилда кўплаб хорижий мамлакатларда юртимиз олим ва ижодкорларининг 150 га яқин китоблари, фольклоримиз намуналари нашр этилган. Айни вақтда адабиётимиз хазинасида дунёга намойиш этишга арзийдиган асарлар кўп.

Бу йўналишда ҳам ишларни тизимли йўлга қўйиб, чет эллик ношир ва таржимонлар билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саидов, Фанлар академияси президенти Беҳзод Йўлдошев, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги раҳбари Асад Ходжаев алоҳида дастур ишлаб чиқиши лозим.

Қадрли юртдошлар!

Маълумки, кўплаб хорижий давлатларда **меценатлик ҳаракати** кенг ёйилган. Бундай эзгу тажриба бизнинг ҳаётимизга ҳам кириб келаётганини албатта олқишлаш керак.

Маълумки, 2017 йилдаги учрашувимиздан сўнг ижодий ташкилотларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 70 га яқин “Дўстлар клуби” ташкил этилган эди. Қисқа муддатда бу йўналишда 85 миллиард сўм ҳомийлик ёрдами кўрсатилган.

Афсуски, кейинги вақтларда “Дўстлар клуби” фаолияти баъзи йўналишлар бўйича тўхтаб қолди. Бош вазирнинг менга берган ахборотига кўра юқорида зикр этилган йиғилишда бу масала ҳам атрофлича муҳокама қилиниб, тегишли чора-тадбирлар кўрилган. Шундан сўнг ҳомийлар томонидан маданият муассасалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун 38,5 миллиард сўм маблағ ўтказиб берилган.

Фурсатдан фойдаланиб, маданият ва санъатимизнинг садоқатли дўстлари бўлган ушбу ташкилотларга, уларнинг меҳнат жамоаларига сизларнинг номингиздан, ўз номимдан ташаккур билдираман.

Энди бу тажрибани доимий ишлайдиган тизимга айлантириш зарур.

Ҳозирги вақтда **матбуот нашрларининг обунаси** билан боғлиқ айрим муаммолар мавжудлигини биламиз. 2022 йил 27 июндаги Президент қарорида бюджет ташкилотларига кутубхона фонди харажатлари орқали даврий босма нашрлар, уларнинг электрон шакли ва электрон оммавий ахборот воситаларига обуна бўлиш учун маблағ йўналтиришга рухсат берилади, деб кўрсатилган.

Демак, масаланинг аниқ ечими бор. Фақат буни амалга оширишимиз керак.

Муҳтарам дўстлар!

Албатта, бугунги учрашувда илгари сурилган ташаббуслар фақат маънавият, маданият ва ижод соҳалари раҳбарларига тегишли эмас. Буларни — қаерда, қайси лавозимда ишламайлик, барчамизга бирдек дахлдор вазифалар, деб қабул қилишимиз лозим.

Шу боис ҳар бир вазир ва ҳоким ўзининг бу борадаги масъулиятини чуқур ҳис этиши, бугун бу ерда кўтарилган масалалар бўйича амалий ишларни бошлаши зарур.

Бош вазир А. Арипов маданият ва санъатни ривожлантириш бўйича ишларнинг ҳолатини ҳар чоракда Ҳукумат раёсатида тармоқ ва ҳудудлар кесимида муҳокама қилиб боради.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Бугун сизлар билан маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, маданият, адабиёт ва санъат соҳасини ривожлантириш бўйича очиқ гаплашиб олдик.

Бу борада билдирилган фикрлар, ана шу муаммоларни ҳал этишга қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлаганингиз, таклиф ва тавсияларингиз учун барчангизга чин дилдан миннатдорлик билдираман.

Албатта, бугун ушбу залда айтилган фикр-мулоҳаза ва ташаббусларнинг ҳар бири чуқур ўрганиб чиқилади. Энг муҳим ва долзарб масалалар бўйича тегишли Фармон ва қарорлар қабул қилиб, уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан зарур чораларни кўрамиз.

Шу маънода, бугунги учрашув маънавий ҳаётимизда янги ислоҳотлар даврини бошлаб беради, деб ишонаман.

Ҳаммамиз бир ҳақиқатни унутмаслигимизни истардим. Ҳаёт бор экан — жаҳолат ҳам, маънавий таҳдидлар ҳам бўлиши табиий. Аммо энг хатарлиси — юрт келажагига лоқайдлик, эзгу қадриятларга нисбатан бепарволик.

Тинч ва фаровон ҳаёт қуриш учун, аввало, одамлар қалбида бир-бирига ҳурмат, халққа, Ватанга меҳр ва ишонч мустаҳкам бўлиши зарур.

Мамлакатимиз янги тараққиёт даврига қадам қўйган бугунги кунда халқимиз, айниқса, фарзандларимиз онгида Ватанга муҳаббат, юртимиз келажагига дахлдорлик, тинч, эркин ва фаровон ҳаётнинг қадрига етиш туйғусини кучайтиришда сиз, маданият аҳлининг ўрнингиз ва таъсирингиз беқиёсдир.

Сизлар юксак истеъдод ва маҳоратингиз, ижтимоий ҳаётимиздаги фаол иштирокингиз билан янги Уйғониш даврини барпо этишга албатта муносиб ҳисса қўшасизлар, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларни яқинлашиб келаётган янги — 2024

МАЪНАВИЙ ҲАЁТИМИЗДА ЯНГИ ИСЛОҲОТЛАР ДАВРИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Маърифатпарвар боболар ғояларини ўрганиш ва ривожлантириш бўйича Президент қарори қабул қилиниши белгиланди. Шунингдек, Бухородаги тарихий масканда Жадидлар мероси давлат музейи очилади, “Жадид” номли янги газета ташкил этилади.

Сўнгги йилларда маънавий-маърифий соҳаларда катта ишлар амалга оширилмоқда. Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармаси ҳамда Иҳтимоий-маънавий тадқиқотлар институти ташкил этилди. Республика Маънавият ва маърифат маркази тизимидаги ходимлар сони икки карра оширилди, уларни моддий рағбатлантириш чоралари кўрилди.

“Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилингани соҳа ривожида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Миллий анъаналаримизни асраб-авайлаш ва бойитиш мақсадида Мақом, Бахшичилик ва Аския санъати марказлари ташкил этилди. Шунингдек, “Баҳор” рақс ансамбли, Давлат филармонияси, Давлат симфоник оркестри каби 20 дан ортиқ муассасалар фаолияти йўлга қўйилди. 11 та янги музей, 2 та театр, 28 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 5 та олий таълим муассасаси ташкил этилди.

Умуман, маданият ва санъат соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳажми 2017 йилдагига нисбатан 5 карра ошиб, 2023 йилда бу мақсадлар учун 712 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

“Мақом”, “Бахшичилик”, Ҳунармандчилик, “Лазги” каби халқаро фестиваллар анъанага айланди. 24 та хорижий мамлакатда, жумладан, қўшни давлатларда “Ўзбекистон маданияти кунлари” юқори савияда ўтказилди.

ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий мероси рўйхатига яна 9 та миллий меросимиз намунаси, Бухоро шаҳри “Ижодкор шаҳарлар тармоғи”га киритилди. Шу йил сентябрда ЮНЕСКО Бош қароргоҳида буюк бобомиз Абу Райҳон Беруний таваллуди кенг нишонланди.

Кино санъатида ҳам янги асарлар пайдо бўляпти. Буюк саркарда ва улуғ алломалар ҳақида тарихий фильмлар яратилди. Қарийб чорак асрдан кейин Тошкент халқаро кинофестивали қайта тикланди.

Пойтахтимизда Адиблар хиёбони, Ёзувчилар уюшмасининг муҳташам биноси, ҳудудларда янги ижод уйлари қурилди. Самарали ижод қилаётган адиблар иқтиёзли асосда уй-жойлар билан таъминланди. Атоқли ижодкорларимизнинг таваллуд саналари нишонланди. Ёш истеъдодларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Зомин семинари қайта тикланди.

Биринчи марта нашр этилган 100 жилдлик “Туркий адабиёт дурдоналари”, 30 жилддан иборат “Мустақиллик даври навоийшунослиги”, “Қорақалпоқ адабиёти дурдоналари”, “Мард аскарга совға” сингари адабий мажмуалар маънавий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди.

Йиғилишда бу соҳалар олдидаги устувор вазифалар муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари 9 та йўналишда ўз фикрларини билдириб, муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Аввало, маънавият ва маданият соҳаси учун методик асос бўлиб хизмат қиладиган миллий ғоямизни ривожлантириш бўйича алоҳида дастурий ҳужжат ишлаб чиқиш лозимлиги таъкидланди.

Баъзи гуруҳлар орасида диний қарашларни Конституция ва қонунларимизга қарши қўйиш, дунёвий қадриятларни ҳаром деб билиш ҳолатлари афсус билан қайд этилди. Президент бу ўринда Ибрат домланинг “Уламо ғайрат этканда миллат, албатта, ислоҳ топур”, деган ҳикматли сўзларини ёдга олди. Зиёлилар, нуронийлар, ҳаж ва умрага бориб келган юртдошларимиз маънавият тарғиботчиси бўлиши, одамларни яхшиликка бошлаши кераклиги айтилди.

Таълим тизимига қаратилаётган эътибор изчил давом эттирилади. Бу борада ҳам тенглик таъминланиши, хусусан, қиз болаларнинг ўқиши ва касб-ҳунар эгаллаши жамият ривожида муҳим экани алоҳида таъкидланди.

Иккинчидан, маданий-маърифий соҳадаги ишларда ҳокимларнинг масъулияти оширилади. Туман ва шаҳарларда Маънавият ва маърифат масканлари ишга туширилади.

— Бугун маънавият бошқа соҳалардан ўн қадам олдинда юриши, маънавият янги кучга, янги ҳаракатга айланиши керак, — деди Президент.

Шу мақсадда, Сурхондарё вилоятида билдирилган таклиф асосида ҳудудлардаги 4 та секторга қўшимча равишда маънавият сектори ташкил этилиши маълум қилинди. Улар жойлардаги Маънавият ва маърифат кенгашларининг ишчи тузилмаси сифатида фаолият кўрсатади.

Учинчидан, театр санъатини ривожлантириш бўйича дастур ишлаб чиқилади. Унда энг яхши пьесалар учун ижодий буюртма бериш, ижодий ва ёрдамчи ходимларнинг чет эл театрларида маҳоратини ошириш, ёш режиссёрларни қўллаб-қувватлаш учун Маннон Уйғур номидаги мукофот таъсис этиш кабилар назарда тутилади.

Корхона ва муассасаларда ойнинг бир куни “Театр куни” деб белгиланиб, ходимларнинг театрларга бориши йўлга қўйилади.

Тўртинчидан, аҳолининг бўш вақтини мазмунли ўтказишда 837 та маданият марказининг фаолияти жуда муҳим. Уларда 4 мингга яқин тўгараклар фаолият кўрсатмоқда, 120 мингдан ортиқ ёшлар шуғулланмоқда.

Лекин айрим марказлар ўз биносига эга эмас, жами 8 мингта мусиқа анжомига эҳтиёж бор. Бу борада ҳокимларга кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, келгуси йилдан ҳар бир туманда саҳнали зал, кутубхона, кинозал ва тўгарак хоналари бўлган биттадан маданият маркази фаолияти йўлга қўйилади. Жойлардаги 600 дан зиёд бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг моддий-техника базасини яхшилаш бўйича дастур қабул қилиниб, бунга 100 миллиард сўм йўналтирилади.

Бешинчидан, мақом ва бахшичилик санъатини илмий асосда ўрганиш ва ривожлантириш кучайтирилади.

Ҳозиргача 120 та мақом, бахшичилик достонлари, халқ куйи ва қўшиқлари “олтин фонд”га ёзиб олинди. Куни кеча Ўзбекистон Президентининг номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш ва тарғиб этишга доир қарори имзоланди. Унда, жумладан, Маданиятшунослик ва номоддий маданий мерос институтини ташкил этиш, қадим мусиқа асарларини тадқиқ қилиш, мамлакатимиз фондларида сақланаётган 3 мингдан зиёд достон, мақом ва фольклор асарларини замонавий форматга ўтказиш кўзда тутилган.

Яна бир муҳим янгилик — мақом, катта ашула, бахшичилик, атлас ва адрас, кулолчилик ва заргарлик каби анъаналарни давом эттирадиган мактаблар яратилади.

Олтинчидан, мусиқа ва рақс санъати ривожи қўллаб-қувватланади. Жумладан, “Баҳор” рақс ансамбли илгари Филармония жойлашган машҳур санъат саройида фаолият юритади. Таниқли ашула ва рақс ансамбларининг хорижга гастроль сафарлари кўпайтирилади. Мусиқа ва рақс санъати масалаларини илмий ўрганиш, соҳада илмий кадрларни кўпайтириш мақсадида илмий тадқиқотлар учун грантлар жорий қилинади.

Шунингдек, Тошкент давлат цирки биноси таъмирдан чиқарилади.

Еттинчидан, халқаро майдонда ўзбек маданий дипломатияси кенгайтирилади. Келгуси йили Тошкентда креатив иқтисодиётига бағишланган конференция, Нукусда эса “Орол маданияти” халқаро илмий анжумани ўтказилади.

Музейлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича етти йиллик дастур қабул қилинади. Тарих музейи ҳамда Санъат музейининг янги бинолари барпо этилади. Темурийлар тарихи ҳамда Табиат музейларининг экспозицияси янгиланади. Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи капитал таъмирланади.

Бундан ташқари, музейларимизда, хусусан, Ислом цивилизацияси марказида Биринчи ва Иккинчи Ренессанс, давлатчилик тарихи ва буюк алломалар фаолияти бўйича янги экспозициялар ташкил қилинади.

Франция билан ҳамкорликда Миллий реставрация маркази фаолияти йўлга қўйилади. Муқаддас китоб — Усмон Қуръони саҳифалари консервация ва реставрация қилинади.

Юртимизнинг кўҳна тарихига бағишланган 18 та археология ёдгорлиги очиқ осмон остидаги музейга айлантирилади. Самарқандда соҳибқирон Амир Темур боғлари қайта тикланади, “Буюк Ипак йўли” музейи барпо этилиб, Бибихоним мажмуаси реставрация қилинади.

Саккизинчидан, кино соҳаси ривожлантирилади. Бу борада “Тирик тарих” сериясида Ватанимизнинг шонли ўтмишига бағишланган фильмлар яратиш дастури ишлаб чиқилади. Бунга хорижий ижодкорлар, кинокомпаниялар ҳамда инвесторлар ҳам жалб этилади. Шунингдек, болалар учун буюк аждодларимизнинг ибратли ҳаёт йўли ҳақида кўп қисмли анимацион фильмлар яратиш зарурлиги таъкидланди.

Кинони иқтисодиёт билан уйғун ривожлантириш мақсадида Бухоро, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида “эркин иқтисодий киноҳудудлар” барпо этиш вазифаси қўйилди.

Миллий сериаллар бўйича мавжуд тизимни тубдан ислоҳ этиш, уларни ғоявий-бадиий ва техник жиҳатдан жозибали даражага етказиш зарурлиги таъкидланди. Бунинг учун IT-Park каби эркин иқтисодий зона — “Cinema Park” ташкил қилиш ташаббуси илгари сурилди.

Тўққизинчидан, тасвирий ва амалий санъат соҳасини ривожлантириш бўйича дастур қабул қилинади. Жумладан, Марказий кўргазмалар зали реконструкция қилиниб жиҳозланади. Бадиий фонд ҳудудида замонавий галерея биноси қурилади ҳамда 40 та ижодий устахонадан иборат Ёш рассомлар маркази ташкил этилади. Хаттотлик ва миниатюра санъати таълимини амалиёт билан боғлаш мақсадида миллий усулда қоғоз тайёрлаш устахонаси ташкил этилади.

Соҳада таълим сифатини яхшилаш, мусиқа ва санъат мактаблари муаллимларининг ойлигини ошириш, ушбу мактабларнинг коммунал харажатларини бюджетдан қоплаш бўйича таклифлар билдирилди.

Давлатимиз раҳбари ўзбек тилини ўқитиш самарасини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Миллий сертификатга эга бўлган ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиларига келгуси ўқув йилидан бошлаб 50 фоиз устама тўланиши қайд этилди.

Шунингдек, бошқа тилларда таълим олган ҳамюртларимизни давлат тилини ўрганишга рағбатлантириш чоралари кўрилади. Бошқа тилларга ихтисослаштирилган мактабларда давлат тилини ўқитиш соатлари кўпайтирилади. Ўзбек тили бўйича халқаро фан олимпиадаси ташкил этилади.

Жамиятимизда китобхонлик маданиятини ошириш қўллаб-қувватланади. Ижодий буюртмалар, муаллиф ва таржимонларга қалам ҳақи кўпайтирилади. Нашриёт ва матбаа корхоналарининг молиявий имкониятларини кенгайтириш мақсадида 5 йилга солиқлардан озод қилинади.

Президентимиз таржима санъатининг аҳамиятига тўхталиб, бундай меҳнатни муносиб рағбатлантириш учун Огаҳий номидаги халқаро мукофотни таъсис этиш ташаббусини илгари сурди.

Интернет адабиётини ривожлантириш ҳам муҳимлиги таъкидланиб, шу мақсадда адабиёт, кино, тарих, санъат, фольклор намуналарини қамраб олган “Ўзбек маданияти” порталини яратиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда шоир ва ёзувчилар, маданият ва санъат намояндалари, соҳа мутасаддилари ўз фикр ва таклифларини билдирди.

ЎзА.

Сирожиддин САЙЙИД, Ўзбекистон халқ шоири

ЗАМОН БИЛАН

Дунё воқеаларига

Замондошлар, замон билан ўйнашмангиз,
Замон берган имкон билан ўйнашмангиз.

Барчамизга бир Ватан — бир ору номус,
Ору номус, иймон билан ўйнашмангиз.

Дунёни забт этганлармиз ҳадис билан,
Қадим илму ирфон билан ўйнашмангиз.

Ёшлик асли эрка жайрон — эртан ҳайрон,
Қўлдан кетар жайрон билан ўйнашмангиз.

Илм беринг, илм истанг, илм изланг,
Умр — оби равон билан ўйнашмангиз.

Эй ошиқлар, камон билан ўйнашингу
Ҳар хил қоши камон билан ўйнашмангиз.

Жаҳолатнинг кир қўйнида тошлари бор,
Ҳар нокасу нодон билан ўйнашмангиз.

Аё, оёқлари ердан узилганлар,
Ер устида осмон билан ўйнашмангиз.

Нажот истанг афғонларнинг афғонига,
Ҳар нолаю афғон билан ўйнашмангиз.

Ота макон, она макон — икки томон,
Ота-она макон билан ўйнашмангиз.

Қалдирғочнинг ошёнин ҳам бузиб бўлмас,
Замин — танҳо ошён билан ўйнашмангиз.

Биров қурол отар, биров Қуръон ёқар,
Қурол билан, Қуръон билан ўйнашмангиз.

Жон муқаддас, қон муқаддас, шон муқаддас,
Сиз жону қон, сиз шон билан ўйнашмангиз.

Юрт шаънига сўз сотиб, сўз ўйнашганлар,
Ҳар иғвою бўҳтон билан ўйнашмангиз.

Ўзбекистон — жаҳон аро жаҳонорой,
Жаҳонорой — жаҳон билан, ўйнашмангиз.

Инсон қадри баланд тургай ҳар недан ҳам,
Инсон бўлинг, инсон билан ўйнашмангиз.

Ҳақдан келар тожу давлат фармонлари,
Оллоҳ битган фармон билан ўйнашмангиз.

Давру замон чин мардларга майдон эрур,
Мард билан ҳам майдон билан ўйнашмангиз.

Бу карвоннинг сарбони бор, ортга қайтмас,
Ортга қайтмас карвон билан ўйнашмангиз.

Замон халқнинг уч минг йиллик армонидир,
Уч минг йиллик армон билан ўйнашмангиз.

ОЛИМ, РАҲБАР, УСТОЗ

Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, техника фанлари доктори, профессор, академик Оқил Салимов бугун табаррук ёшга кирган бўлса-да, эл-юрт манфаати, тараққиёти йўлида тиним нелигини билмайди. Ҳамиша қалбан уйғоқ, руҳан жонсарак. Янги ғоялар ўйлаб топади, уларни ҳаётга татбиқ этиш учун ташаббускорлик, фидойилик кўрсатади.

Олим нафақат Ўзбекистон Фанлар академияси аъзоси, айни чоғда Олий мактаб халқаро фанлар академияси ва Нью-Йорк фанлар академиясининг ҳам академиги, Олий мактаб халқаро фанлар академиясининг Ўзбекистон бўлими Президенти, Республика истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш “Улуғбек” жамғармаси раиси ҳисобланади.

Оқил ака қарийб бир асрлик умри давомида ҳаётнинг аччиқ-чучук синовларини, баланд-пастини кўриб, бошидан ўтказиб келаётган бўлса-да, барча қийинчиликларни метин иродаси, маҳорати, сабр-бардоши билан енгиб яшади, ўз умрини миллат равнақига, маърифат йўлига бағишлади. Оқил ака ҳар куни эрталаб ишга боради, турли тақдимотлар ўтказади, Республика истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш “Улуғбек” жамғармаси раиси сифатида уларга мураббийлик ва ҳомийлик қилиб келади.

Илм-фан фидойилари

Собиқ иттифоқ даврида халқимизнинг асл фарзанди, атоқли давлат ва жамоат арбоби, таниқли ёзувчи ва шоир, оташин публицист ва нотиқ, чорак аср Ўзбекистонга раҳбарлик қилган Шароф Рашидов мамлакат бўйича “маданий фронт” — мафкуравий ишларга раҳбарлик қилишни Оқил Салимовга ишониб топширган эди. Бу ҳар тарафлама ишлаш учун жуда мураккаб соҳа эди. “Биз одамларнинг кўп жиҳатдан тақдирини ҳал этадиган лавозимларда ишлар эдик, лекин арзимаган масалаларни ҳам иттифоқ миқёсидаги идоралар билан келишишга мажбур бўлардик”, деб эслайди Оқил Умурзоқович.

Собиқ марказнинг буйруқлари ва динга қарши тақиқларига қарамай, Оқил Салимов миллий маданият ва таълим ривожи, муқаддас миллий анъаналарни сақлаш ва ривожлантириш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш бўйича иш олиб борди. У миллий санъатимизни ривожлантиришга алоҳида эътибор берар, халқ театрлари, ўлка музейлари, таълим даргоҳларининг фундаментал муаммоларини бартараф этишга интилар, омманинг салоҳияти ва дунёқарашини бойитишга хизмат қилувчи “Билим” жамияти фаолиятини қўллаб-қувватлашга интиларди. Бевосита унинг иштирокида Абу Али ибн Сино, Мусо ал-Хоразмий, Имом Бухорий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек ҳамда Ватанимиз илм-фани ва маданияти бошқа улуғ алломаларининг юбилейлари ўтказилди.

Олим республикада маданий ишларга раҳбарлик қилган йиллари катта ададларда ўзбек ва жаҳон адабиётининг улуғ намояндалари, ёш ёзувчи ва шоирлар асарлари чоп этилди. Ўзбекистон ва собиқ иттифоқ экранларига ўзбек режиссёр ҳамда актёрларининг ажойиб бадиий ва ҳужжатли фильмлари чиқди. Қардош халқлар маданияти кунлари ва ҳафталиклари юртимизда ҳамда Ўзбекистонники бошқа мамлакатларда ўтказилар эди. Театр жамоалари билан алмашиш, халқаро кинофестиваллар ва Осиё ҳамда Африка ёзувчилари конференциялари ва бошқа нуфузли тадбирлар уюштирилган.

Оқил ака истеъдодли инсонларнинг маиший ва ижод билан боғлиқ муаммоларини ҳал этишга кўмаклашар эди, илмий ҳамда ижодий зиёлиларни рағбатлантиришга катта аҳамият берарди.

Шундан буён кўп вақт ўтди, мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида кўплаб ўзгаришлар рўй берди, лекин миннатдор кишилар ҳали-ҳали Оқил Салимовнинг қилган яхшиликлари, қўллаб-қувватлашларини эслаб юришади.

Филология фанлари доктори, профессор Ҳамид Сулаймонов ўз вақтида Шароф Рашидов ва Оқил Салимов Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи ҳамда Қўлёзмалар институтини ташкил этишда катта ёрдам берганини тўлқинланиб гапириб берган эди.

Таниқли санъатшунос Ю. Подпоренко бир пайтлар Тошкентдаги Рус ёш томошабинлар театри директори бўлиб ишлаган. У бир неча бор Маданият вазирлигига театрни моддий-техникавий жиҳатдан мустаҳкамлаш масалаларида мурожаат қилади, лекин натижа бўлмайди. Шунда у Оқил Салимов қабулига боради. Оқил Умурзоқович театр директорини диққат билан эшитади ва зудлик билан вазирлик раҳбарларига боғланиб тегишли топшириқни беради. Барча масалалар ҳал бўлади.

Машҳур чўлқуварлардан бири, Давлат мукофоти лауреати Тўхтамиш Боймиров ўз вақтида Шароф Рашидов тавсияси билан Жиззах вилоятига раҳбар лавозимига юборилади ва бу ерда маданият ҳамда таълим соҳасида қатор муаммолар билан дуч келганида унга Оқил Салимов ёрдамга келади. Барча тегишли масалалар зудлик билан ҳал этилади.

Оқил Салимов ва бошқа ватанпарварлар собиқ марказ идораларининг назорати қатъий ва кескин бўлган мураккаб бир шароитда миллий истиқлол асослари, келгуси мустақил Ўзбекистон давлатининг тамал тошини қўйганлар.

Назаримизда, собиқ марказ буни сезиб қолган ва ўша пайтдаги республика раҳбарлари фаолиятида мустақилликка интилиш ниҳолларини кўрган. Ўшанда бошқа республикаларга сабоқ бўлиши учун Ўзбекистонга маҳаллий раҳбарларни алмаштириш, жазолаш мақсадида “десантчилар”ни сафарбар қилган.

Минглаб жазоланган ўзбекистонликлар орасида ўша пайтдаги Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ректори, бунгача Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг Раиси, собиқ иттифоқ Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари бўлган Оқил Салимов ҳам бор эди. Унинг қонунга зид равишда иш жойида ҳибсга олинишининг гувоҳи бўлган, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўша вақтда ишонч билан ҳақиқат қарор топиши ва у киши институт раҳбари бўлиб қайтиб келишини айтади. Лекин бу ишонч билан айтилган ҳикматли сўзлар амалга ошишигача Оқил Салимов талай вақт қамоқ азобларида ўтиришига тўғри келди.

Бу сохта ўйлаб топилган “ўзбек иши” бўйича туҳмат билан қамоққа олинган кўплаб ўзбекистонликлар қатори Оқил ака тақдир синовларидан мардларча ўтди. Ўз она Ватани, жонажон оиласи, дўстлари ҳамда сафдошлари олдига пок виждон билан бошини баланд тутиб қайтди.

Академик олимнинг илмий тадқиқотлари, изланишлари маҳсули бўлмиш асарлари жуда кўп ва бу самарали ижод изчил давом этмоқда. Кейинги йилларда унинг қаламига мансуб “Саодат йўли”, “Ёшларга донолар ўгити”, “Қариси бор уйнинг париси бор”, “Янги Ўзбекистоннинг истеъдодли ёшлари”, “Дўстлик “Хамса”си”, “Ақл инновацияси” каби қатор оммавий-сиёсий ва илмий-маърифий асарлари ўқувчилар қўлига етиб борди.

Олимнинг 2023 йилда “Маънавият” нашриётида чоп этилган “Янги Ўзбекистон давлати” китобида Янги Ўзбекистон асосчиси Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида мамлакат туб ислоҳотларни бошидан кечираётгани, бутунлай янги қиёфага эга бўлаётгани, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олаётгани ҳаётий мисоллар асосида очиб берилган.

Китоб янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган, учинчи Ренессанснинг мустаҳкам пойдевори қўйилаётган жараёнларга бағишланган. Асарда янги Ўзбекистон катталарга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатаётган, мададга муҳтож инсонлар ва оилаларга беғараз ёрдам бераётган, меҳр-оқибат мамлакатнинг энг олий тамойилига айланиб бораётган ижтимоий давлат сифатида эътироф этилади. Яъни бу юртда ҳар бир фуқаронинг муносиб турмуш сифати ва даражасига эришиш ягона мақсад қилиб қўйилган.

Академик олим китобда “ижтимоий давлат” тушунчаси янги Ўзбекистон давлатининг бутун моҳиятини белгилашини, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси бутун моҳияти билан ижтимоий давлат фаолиятини қонун билан кафолатлашини, унда бевосита инсон тақдири, унинг қадр-қиммати, яшаш ҳуқуқи масалаларига алоҳида эътибор берилганини асослайди.

Ижтимоий давлатда инсон омили муқаддас қадрият сифатида кўрилади, одамларни билимли, бахтли, эркин ва фаровон яшашини таъминловчи маърифий жамият қуриш ғояси бош мақсад қилиб қўйилади. Янги Ўзбекистон тараққиёти ҳам бозор тамойилларига монанд барқарор иқтисодиёт, аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавиятга таянади. Ана шу икки йўналиш муштарак равишда олиб борилсагина, кўзланган мақсадларга, албатта, эришамиз.

Австриялик шарқшунос олим Адам Мец таърифлаган мусулмон Ренессанси, француз олими Венсан Фурниё таърифлаган темурийлар даври Ренессансида ҳам давлатчилик тузумида маънавият ва маърифат етакчи бўлган ҳамда бу уйғунлик миллатимиз Сардори томонидан олиб борилаётган серқирра ислоҳотлар жараёнида ҳам намоён бўлмоқда, дейди олим. Аждодларимизнинг дунё аҳлига берган тафаккур зиёси, илм-маърифати диний бағрикенглик ва инсонпарварлик эзгу ғоялари бугун бизнинг юртимизда қайтадан қадр топа бошлади, янги мазмун-моҳият касб этиб бормоқда. Академик олим айтганидек, “Янги Ўзбекистон ўз тарихий тараққиёти даврида янгича тафаккурга асосланган турмуш тарзини йўлга қўймоқда. Учинчи Ренессанс ғояси ана шу эврилишлар, янгиланишлар оқимида янги Уйғониш даврининг сарчашмаси бўлмоқда”.

Очиғини тан олиш керак, кўпчилик тасаввурида мустақилликнинг ўтган чорак асри мамлакат учун постсовет давлатидан янги тузумга ўтиш даври бўлди, деган ўй-хаёллар мавжуд. Оқил Салимов ана шу даврга баҳо берар экан, катта жасорат билан давлат идораларининг халққа хизмат қилмай қўйганига, унинг ўрнига ўз манфаатини биринчи ўринга кўтарган мутасадди раҳбарларнинг ўзини иҳоталаб олганига ишора беради ва ана шу омиллар жамиятни ижтимоий таназзулга олиб келганини асослайди. Бу қутблашув кўп асрлик босқинларни, қатағонларни, очарчилик, хиёнат ва алдовларни кўрган, фақат ва фақат қўрқитиб келинган халқнинг бошига бало бўлгани рост гап.

Кейинги йилларда Президент Шавкат Мирзиёевнинг халқпарвар ва инсонпарвар сиёсати, бу йўлда амалга ошираётган ислоҳотлари жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинмоқда ва бу янги Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини кўтармоқда, дейилади “Янги Ўзбекистон давлати” китобида.

Табаррук 95 ёшни кутиб олаётган академик олим билан суҳбатлашар эканмиз, у киши Ўзбекистонда барча жабҳада юз бераётган чуқур ислоҳотлар ҳақида тўлқинланиб гапирди. Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар чуқурлашмоқда, энг янги техника ва технологиялар билан қуролланган янги саноат корхоналари яратилмоқда, қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг кластер тизими жорий этилмоқда. “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиғи остидаги маҳсулотлар экспорти кенгаймоқда.

Академик Оқил Салимов янги куч-ғайрат билан ижод қилмоқда. Истеъдодли ёшларни, салоҳиятли инсонларни моддий-маънавий рағбатлантиришда бош-қош бўлмоқда. Унинг таъбири билан айтганда, янги Ўзбекистонда бугун ҳар бир фуқаро ўз қадр-қимматига эга бўлди. Уларнинг шаъни, бахтли, саодатли ҳаёти мамлакат тақдири билан боғлиқ экани амалда намоён бўлмоқда. Жамиятда, давлатда ахлоқ меъёрларига қанчалик риоя қилинса, ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида маънавият устувордир. Бундай жамиятда эса тараққиёт, фаровонлик, ташаббускорлик пойдор бўлади.

Носир ТОИРОВ,
Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси, меҳнат фахрийси.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2023 йил 23 декабрь

Сенат қўмитасида

ОЧИҚЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ ИШЛАР ҲОЛАТИ ҚАЙ ДАРАЖАДА?

Маълумки, бугунги кунда қурилиш тармоғини рақамлаштириш, транспорт, қурилиш, уй-жой коммунал хўжалиги ва бошқа соҳаларни рақамли трансформация қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, ушбу масалага мамлакатимизда алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари қўмитаси мажлисида айнан шу масала кўриб чиқилди.

Аниқ айтадиган бўлсак, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан рақамлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳокамалар марказида бўлди.

Тадбирда сенаторлар, маҳаллий Кенгашларнинг Ахборот сиёсати ва маҳаллий давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссиялари раислари ва котибият мудирлари, экспертлар иштирок этди.

Таъкидланганидек, ҳозирги пайтда вазирликнинг ушбу йўналишдаги ишлари замон талаблари асосида ташкил қилинмоқда. Буни 15 та электрон ахборот тизими ишлаб чиқилиб, соҳага жорий этилгани мисолида кўриш мумкин. Бугун "Шаффоф қурилиш", "Рейтинг", "Тендер" , "Қурилиш сифати назорати", "Огоҳ фуқаро" ва "Менинг уйим" каби электрон ахборот тизимларидан юридик ва жисмоний шахслар кенг фойдаланиб келмоқда. Биргина "Менинг уйим" биллинг тизими кўп квартирали уй-жойларга хизмат кўрсатиш жараёнларини қулайлаштирди. Яъни мажбурий бадал тўловларини автоматлаштирилган тарзда ҳисобкитоб қилиш ва онлайн тарзда электрон тўловни амалга ошириш ҳамда фуқароларга ўзлари яшаётган уй тўғрисида маълумот олиш имконини бермоқда.

Қўмита йиғилишида очиқликни таъминлаш борасидаги ишлар ҳолати юзасидан ўтказилган ўрганишлар натижалари ҳам таҳлил қилинди.

Келтирилганидек, 2023 йилнинг ўтган даври мобайнида қурилиш ва уй-жой масалаларида жамоатчилик фаоллари ҳамда журналист ва блогерлар томонидан кўтарилган 856 та танқидий материалга расмий муносабатлар билдирилган.

Йиғилишда ўрганиш давомида вазирлик, унинг ҳудудий тузилмалари ва айрим тизим ташкилотлари томонидан рақамлаштириш борасида муайян камчиликларга йўл қўйилгани аниқланганлиги ҳам урғулаб ўтилди.

Хусусан, вазирликнинг қурилиш сифатини назорат қилиш ахборот тизими, улушдорлар электрон реестри, огоҳ фуқаро, иссиқлик энергияси учун тўловлар ягона биллинг ахборот тизимлари учун Рақамли технологиялар вазирлигининг техник эксперт хулосалари олинмаган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2023 йил давомида айрим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган маълумотлар расмий веб-сайтда жойлаштирилмаган.

Тадбирда вазирлик ва унинг тузилмаларида рақамлаштириш ҳамда очиқликни таъминлаш борасидаги ишларни самарали назорат қилиш бўйича тегишли тавсиялар берилди.

Шунингдек, мажлисда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан рақамлаштириш борасидаги вазифаларнинг самарали ижроси бўйича ишлаб чиқилган "Йўл харитаси"да белгиланган бандларнинг ўз муддатида бажарилишини таъминлаш масаласи чуқур таҳлил қилинди ва истиқболдаги режалар белгилаб олинди.

Мажлисда кўрилган масалалар юзасидан Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Сенатор ва ҳаёт

МАБЛАҒ ТУМАН БЮДЖЕТИГА ЎТКАЗИБ БЕРИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси мажлисида сенатор Холида Алимова томонидан Жиззах вилояти, Зарбдор тумани, "Нуробод" маҳалла фуқаролар йиғини, Нажмиддин Кубро кўчасида жойлашган масжидга олиб борувчи ички йўлларни таъмирлаш учун 275 млн. сўм маблағ ажратиш режалаштирилгани, бироқ у ўз вақтида ажратилмагани боис ички йўллар таъмирланмай келинаётгани, бу эса ҳақли равишда аҳолининг эътирозига сабаб бўлаётгани маълум қилинганди.

Қўмита мажлисида қатнашган Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Давлат бюджети сиёсати департаменти директори Ш. Муҳамедов мазкур масалани ўрганиб, қўшимча маълумот тақдим этишини билдирган эди.

Айтиш жоизки, сенатор томонидан кўтарилган бу масала зудлик билан ўрганиб чиқилди ва асосийси, у ижобий ечим топди — юқорида келтирилган маблағ вилоят маҳаллий бюджетидан туман бюджетига ўтказиб берилди.

«Халқ сўзи».

Қонунчилик палатаси фракцияларида

ДОРИ ХАВФГА АЙЛАНИШИ КЕРАК ЭМАС

Аҳолини сифатли, самарали ва хавфсиз дори-дармон билан таъминлаш соғлиқни сақлаш тизимининг энг муҳим вазифаларидан саналади. Бу борада юртимизда кўплаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Лекин дори воситаларининг рекламаси, уларнинг савдоси ва қўлланилиши борасида қонунчилигимизда айрим бўшлиқлар кўзга ташланмоқда. Ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Хусусан, дори воситалари рекламаси турли кўринишларда авж олаётгани, баъзи шифокорлар томонидан беморларга, асосан, қиммат дорилар тавсия қилинаётгани, уларнинг нархлари сунъий ошиб кетаётгани бор гап.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги **Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси** янги қонун ташаббусини илгари суришга тайёргарлик кўрмоқда. Яқинда бўлиб ўтган ишчи гуруҳ йиғилишида депутатлар, партия фаоллари ва соҳа мутахассислари дори воситалари рекламаси, шифокорларнинг касбий масъулияти, дорихоналар фаолияти билан боғлиқ муҳим йўналишларда янги қонун ташаббусини илгари суриш масаласини атрофлича муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ХДП Сайловолди дастурида дори воситалари муомаласи ва фармацевтика фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш масаласига алоҳида ўрин берилган. Партия фракцияси соҳага доир қонунлар ижроси бўйича амалга оширилаётган ишларни изчил ўрганиб бормоқда, сайловчилар билан учрашувларда ҳам қатор мурожаатлар тушмоқда.

Мисол учун, оддийгина шамоллаш ёки гриппга ўнга яқин дорилар ёзиб берилади. Бу тиббий жиҳатдан қанчалар тўғри? Биламизки, бир инсоннинг организми бир вақтнинг ўзида шунча препаратни қабул қила олмайди. Уларнинг қайсидир бири акс таъсир этиши, бошқа бирор органни зарарлаши ҳам мумкин.

Яна бир томони, ёзиб берилаётган айрим дориларнинг нархи жуда қиммат. Айтайлик, шифокор сизга ўнтадан кам бўлмаган миқдорда дори рўйхатини беради. Табиийки, шифохона атрофидаги дорихоналарга кирасиз ва қиммат нархдаги маҳсулотларни сотиб олишга мажбур бўласиз. Афсуски, ҳар доим ҳам уларнинг самараси кутилганидек бўлмайди. Депутатлар бундай ҳолатларни тавсия қилинаётгани ва аҳолининг чўнтагига каттагина иқтисодий зарар, деб баҳолади.

Иккинчи томони, шифокорларнинг қиммат дорилар ёзишидан қочган бемор келаси сафар ўз билганича даволанишга уринади. Табиийки, бунда ОАВда реклама қилинаётган дориларнинг нажот кутади. Уларнинг тезда таъсир қилувчи восита эканига ишониб, маҳсулотни сотиб олади. Айрим пайтларда билиб-билмай, нотўғри қўлланилган дорилар инсон ўлимига ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Фракция аъзолари айнан шунинг учун ҳам халқаро талабларга мос равишда дорилар савдоси ва рекламаси билан боғлиқ меъёрларни ўзгартиришни зарур, деб ҳисоблайди. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон ХДП фракцияси ҳамда Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси ҳамкорлигида дори воситаларининг муомаласини тартибга солишга қаратилган қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Қуйи палата депутати Қизилгул Қосимованинг фикрича, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари илгари сураётган мазкур қонунчилик ташаббуси аҳолининг барча қатлами манфаатларини ҳимоя қилиши билан аҳамиятлидир. Зеро, дори воситалари инсоннинг дардига шифо бўлиши керак. Уларнинг соғлиққа хавф, гирром даромад манбаига айланиб қолишига зинҳор йўл қўйиб бўлмайди.

Қонунчилик палатаси қўмиталарида

ФАРМАЦЕВТИКАГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси **Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси**да Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган фармацевтика соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси дастлабки тарзда кўриб чиқилди.*

Қонун лойиҳаси билан "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги ҳамда "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги қонунларнинг айрим нормаларига тегишли ўзгартиришлар киритилмоқда. Яъни Соғлиқни сақлаш вазирлиги ваколатидан рецептсиз бериладиган дори воситалари рўйхатини йилига камида бир марта тасдиқлаш нормаси ва унга алоқадор бўлган бандлар чиқарилмоқда.

Натижада дори воситалари Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази томонидан давлат рўйхатидан ўтказилиши чоғида дори воситаларини рецепт билан ва рецептсиз бериладиган дори воситалари тоифасига киритиш тартиби тўғрисидаги низом асосида унинг рецептсиз ёки рецепт асосида берилишига оид тоифаси аниқланади. Давлат рўйхатидан ўтказилган дори воситаси автоматик шакллантирилиб бориладиган рўйхатда қайд этилиб, веб-сайтга жойлаштирилади.

Шу билан бирга, қонун лойиҳасида дори моддалари (субстанциялар)ни давлат рўйхатидан ўтказишга оид нормани бекор қилиш ҳам назарда тутилмоқда. Чунки бугунги кунда дори воситаларини ишлаб чиқариш амалиётидаги халқаро стандартлар (GMP) ва сифат назоратига қўйилган талаблар доирасида субстанциялар назоратининг муқобил механизмлари жорий этилган.

Илгари сурилаётган янгиликлар соҳадаги айрим такрорланувчи ва бюрократик талабларни бекор қилиш орқали аҳолини сифатли, хавфсиз, самарадор ва арзон дори воситалари билан таъминлаш даражасини оширишга йўл очади.

МОЛ-МУЛК ВА ЕР СОЛИҚЛАРИДАН ИМТИЁЗ БЕРИЛИШИ БЕЛГИЛАНМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига тақдим этилган Солиқ кодексига қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси билан Солиқ кодексининг 482 ва 483-моддаларига қўшимчалар киритилмоқда.

Хўш улар нималардан иборат?

Қонун лойиҳаси билан "20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис" дастурига киритилган тадбиркорлик субъектларига барча солиқлар (қўшилган қиймат солиғи ва солиқ агентлари сифатида тўланадиган солиқлар бундан мустасно) ва божхона тўловларини таъминотсиз ва фоизсиз бир йилгача муддатга бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилиши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари томонидан "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"га киритилган фуқаролар ишга қабул қилинганда, 2025 йил 1 январга қадар тадбиркорлик субъектлари ушбу фуқароларга камида бир йил давомида ҳар ой меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг бир баравари даражасидан кам бўлмаган иш ҳақини тўлаб, бандлигини таъминлаган ва улар жами ишчилар сонининг камида 20 фоизини ташкил этганда, мол-мулк солиғи ва ер солиғидан имтиёз берилиши ҳам белгиланмоқда.

Имтиёз бериш шартлари қандай? Имтиёзлар қачон бекор қилиниши мумкин?

Мазкур имтиёзлар "20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис" дастурига киритилган тадбиркорлик субъектларига (Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно) бир вақтнинг ўзида "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"га киритилган фуқароларни ишга қабул қилганда ва камида бир йил давомида ҳар ой меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг бир баравари даражасидан кам бўлмаган иш ҳақи тўлаб, бандлигини таъминлаганда, улар жами ишчилар сонининг камида 20 фоизини ташкил этганда берилиши кўзда тутилган.

Агар тадбиркорлик субъектлари томонидан "ҳамкорлик шартномалари"да назарда тутилган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, қўлланилган солиқ имтиёзлари бутун солиқ даври учун ушбу солиқларни тўлаш бўйича мажбуриятларнинг тикланиши билан бекор қилинади.

Қонун лойиҳаси айни вақтда **Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси** томонидан Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида биринчи ўқишда кўриб чиқиш учун киритишга тайёрланмоқда.

«Халқ сўзи».

Ҳамкорлик

ДЎСТЛИК ГУРУҲЛАРИ ЯНА БИТТАГА КЎПАЙДИ

Болгария Республикаси Халқ мажлисида 21 нафар аъзодан иборат "Болгария — Ўзбекистон" дўстлик гуруҳи тузилди. Айни чоғда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Болгария Халқ мажлиси билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳи ҳам фаолият олиб бормоқда.

Қайд этиш жоизки, кейинги йилларда Ўзбекистон ва Болгария Президентларининг сиёсий иродаси ва узоқни кўзлаб амалга ошираётган оқилона сиёсати натижасида мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар янги босқичга кўтарилди, халқларимиз дўстлиги мустаҳкамланди. Бу, ўз навбатида, парламентлараро ҳамкорликни янада жонлантиришда ҳам муҳим омил бўлмоқда.

Эндиликда Ўзбекистон — Болгария ўртасидаги парламентлараро шериклик сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилади, амалий руҳдаги учрашувлар изчил давом эттирилади.

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО МУЛОҚОТ ФАОЛЛАШАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Эркин Салихов ҳамда бир гуруҳ депутатларнинг мамлакатимизга ташриф буюрган Индонезия Республикаси Халқ вакиллари кенгашининг Парламентлараро ҳамкорлик қўмитаси раиси Фадли Зон бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот чоғида делегация аъзоларига кейинги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларини жадал ривожлантириш ва тадбиркорликка кенг йўл очиш, туризм инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда таълим сифатини жаҳон стандартларига мослаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, Қонунчилик палатаси фаолиятининг асосий йўналишлари ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Самимий руҳда ўтган учрашувда икки томонлама муносабатлар босқичма-босқич ривожланиб бораётгани, мамлакатларимиз ўртасида сиёсий ва иқтисодий соҳадаги мулоқотларнинг фаоллашгани ижобий баҳоланиб, парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш, туризм, маданий-гуманитар каби йўналишларда ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича фикр алмашилди.

Мулоқот чоғида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Ўзбекистон — Индонезия" дўстлик гуруҳи фаолият олиб бораётгани, ўз навбатида, Индонезия парламентида ҳам Ўзбекистон билан парламент дўстлик гуруҳи тузилгани қайд этилди. Ва ўзаро муносабатларни фаоллаштиришда мазкур дўстлик гуруҳлари фаолиятидан кенг фойдаланиш, айниқса, қонун ижодкорлиги йўналишидаги ҳамкорликни жонлантириш масалалари кўриб чиқилди.

«Халқ сўзи».

«ЯШИЛ ЭНЕРГИЯ» СЕРТИФИКАТЛАРИ ТУШУНЧАСИГА АНИҚЛИК КИРИТИЛМОҚДА

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги **Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси**нинг бир гуруҳ депутатлари томонидан қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантиришга қаратилган қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.*

Ушбу қонун лойиҳаси билан амалдаги қонунчиликка "яшил энергия" сертификатлари тушунчасини киритиш ҳамда бундай сертификатларни бериш ва муомалага киритиш тартибига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ваколати Вазирлар Маҳкамасига берилиши назарда тутилмоқда.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда электр энергияси ишлаб чиқарилганлигини тасдиқловчи электрон ҳужжат "яшил энергия" сертификати сифатида қайд этилиши таклиф қилинмоқда. Шунингдек, қуввати 300 кВт ва ундан юқори бўлган қайта тикланувчи энергия манбаларида ишлаб чиқарилган электр энергияси тизимига улаш махсус ваколатли давлат органида рўйхатдан ўтказилганидан кейингина амалга оширилиши белгиланмоқда.

Солиқ кодексига "яшил энергия" сертификатлари савдосидан тушган даромадлар фойда солиғидан озод этилишини назарда тутувчи қўшимча киритилиши кўзда тутиляпти.

Қонун ташаббускорларининг фикрича, сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, қайта тикланувчи энергия манбалари ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш ҳамда соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш борасида ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда қайта тикланувчи энергетикага ўтиш бўйича улкан ишлар бажарилди. 2026 йилга қадар эса қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 25 фоизга етказиш мақсади илгари сурилган.

Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши уй-жой коммунал соҳалар ва иқтисодиёт тармоқларида қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланишни рағбатлантиришга ҳамда "яшил" иқтисодиётга ўтиш чораларини қўллайдиган инвесторлар учун қулай шароитлар яратилишига йўл очади.

Айни пайтда ушбу қонун лойиҳаси биринчи ўқишга тайёрланмоқда.

«Халқ сўзи».

РАҚАМЛАШТИРИШ — РИВОЖЛАНИШ ДРАЙВЕРИ

Рақамлаштириш — хизматлар сифатини яхшилаш, ишлаб чиқаришни оптималлаштириш, ташкилот ва корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш, бизнес жараёнларини автоматлаштиришни ўз ичига олади. Оддий қилиб айтганда, рақамлаштириш аҳолининг узоғини яқин, оғирини енгил қилишга, соҳаларни изчил тараққий эттиришга хизмат қилади.

Муносабат

Шу боис кейинги йилларда замон талабидан келиб чиқиб, мамлакатимизда телекоммуникация инфратузилмасини яхшилаш, соҳа ва тармоқларни рақамлаштиришга катта эътибор қаратилаётир. Жорий йилнинг ўзида таълим, банк, молия, божхона, қишлоқ хўжалиги, геология, кадастр каби соҳаларни рақамли трансформация қилиш доирасида 100 та дастурий лойиҳа ишлаб чиқилган. 500 дан зиёд янги IT компаниялари ташкил этилиб, соҳага 475 млн. доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция кириб келган.

Бундан ташқари, йил якуни билан соҳада хизматлар ҳажми 10 трлн. сўм бўлиши, экспорти эса 300 млн. доллардан ошиши кутилмоқда. Бу кўрсаткич Тошкент, Самарқанд, Андижон вилоятларида юқори суръатларда ўсди. Сурхондарёда ҳам илк бор IT хизматлар экспорти йўлга қўйилиб, у 1 млн. доллардан оширилди. Ҳудудларда 20 мингдан зиёд ёшлар мустақил шуғулланиб, халқаро онлайн платформалар орқали яратган маҳсулотини четга сотган.

Таъкидлаш жоизки, "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида ҳам мамлакатимизни минтақавий "IT-HUB"га айлантириш мақсади белгиланган. Бу давлат бошқаруви ва соҳаларни рақамлаштириш, алоқа инфратузилмасини яхшилаш, IT таълимни ривожлантириш каби кўп омилларни талаб этади.

Ушбу йўналишларда катта ўзгаришлар бўлди. Ахборот технологиялари субъектлари учун яратилган шароитлар ва имтиёзлар натижасида бундай корхоналар ва иш ўринлари сони, хизматлар экспорти ортиб бормоқда. Хусусан, 2017 йилда юртимизда IT компаниялар сони 147 тани ташкил этган бўлса, ҳозирда 1 600 тага етган. Иш ўринлари ҳам қисқа вақтда 10 баравар кўпайиб, 24 мингтадан ошган. 2017 йилда 600 минг АҚШ доллари бўлган экспорт ҳажми жорий йил якуни билан 300 млн. доллардан ортиши кутилаётир. "My.gov.uz" ягона портали орқали бугунги кунда 8 миллиондан ортиқ аҳоли ва тадбиркорлар 570 турдаги онлайн хизматдан фойдаланмоқда.

Ижро интизоми ягона тизими — "ijro.gov.uz" орқали давлат идоралари ва уларнинг қуйи бўғинлари ходимлари томонидан 28 миллионта ҳужжат электрон айирбошланган.

Куни кеча давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раислигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида IT соҳасини ривожлантириш бўйича мамлакатимизда салмоқли ишлар амалга оширилаётганлиги эътироф этилиб, тармоқни янада ривожлантириш ва халқаро даражага олиб чиқиш бўйича қилинадиган ишлар ҳали жуда кўплиги қайд этилди. Хусусан, 2024 йилдан бошлаб ҳудудларда IT хизматларини равнақ топтириш учун қўшимча шароитлар яратилиши эълон қилинди.

Йиғилишда соҳа ривожига қўшимча шароитлар яратилиши белгиланди. Яъни IT компаниялари ҳудудлардаги бўш турган биноларга бир йил муддатга бепул жойлаштирилади, иқтидорли дастурчиларга бир йил ичида бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан компьютер ва техникалар тақдим этилади, 50 дан ортиқ IT мутахассисларни ишли қилган компанияларнинг бир йил давомидаги иш ҳақи харажатининг 15 фоизгача қисми қоплаб берилади.

Шунингдек, экспортчи корхоналарга четдан эксперт жалб қилиш, халқаро конференцияларда қатнашиш харажатларининг 50 фоизи компенсацияланади. IT-паркни халқаро миқёсга олиб чиқиш учун Германия ва Саудия Арабистонида унинг шуъба корхоналари очилади.

Сирасини айтганда, белгилаб берилган устувор вазифалар ижроси мамлакатимизда барча соҳага рақамлаштиришни кенг жорий этиш, рақамли инфратузилмани ривожлантиришга хизмат қилади.

Шуҳрат ШАРАФУТДИНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Ангрен университети жамоаси университетнинг биринчи проректори Мираббос Маҳмудовга онаси

Матлуба ая ҲОТАМОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1241. 32 472 нусхада босилди, ҳажми —2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Б. Мадиёров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.51 Топширилди — 02.40 1 2 3 4 5 6